2003 YIL 14 YANVAR, SESHANBA

# Qishloq HAYOTI

*O‘zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi*

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

№7 (6.532). Sotuvda erkin narhda

## БУГУНГИ СОНДА

### МУЛК СОҲИБИ

**Бўрибой ака болалигида йўқчиликни ҳам, тўқчиликни ҳам кўрган. Зоғора нонга зор бўлган дамлари кўп бўлган. Толеида бор экан, ёруғ кунларга етиб келди. Бунинг учун яратганга беадад шукрлар айтади. Истиқлолдан кейин у ҳақиқий мулк соҳибига айланди.**

(3-саҳифада)



### ПОСБОНЛАР

(1-2-саҳифаларда)

### О, МУҲАББАТ...

**Қор ҳамон ёғарди... Кумуш тангачаларини аямай сочарди. Қизнинг тим қора қўнғироқ сочлари укпардек қор остида ажиб ялтиллайди... Узун-узун киприклар... қимтилган лаблар... Боқишларидаги олам-олам сир... Афсуски, уларнинг ҳеч бири менга аталмаган... Негадир яна ўксинаман.**

(4-саҳифада)

# ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Азиз аскар ва сержант ўғлонларим!

Қадрли офицер ва генераллар, муҳтарам фахрийлар!

Ўз ҳаётини она заминимизни ҳимоя қилишдек муқаддас ишга бағишлаган юртдошларим!

Авваламбор, барчангизни қутлуғ байрам - Ватан ҳимоячилари куни билан чин қалбимдан самимий муборакбод этишга рухсат бергайсизлар.

Бугун биз юртимизда эркин ва обод ҳаёт, демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш, халқимиз турмушини ҳеч кимдан кам бўлмайдиган даражага кўтариш, жаҳон майдонида ўзимизга муносиб нуфузли ўрин эгаллаш йўлида қўлга киритаётган, халқаро ҳамжамият тан оладиган ютуқларимиз ҳақида мамнуният билан гапиришга ҳақлимиз.

Шу билан бирга, атрофимизда, яқин ва узоқ минтақалардаги қарама-қаршилик, зиддият ва низолар, халқаро терроризм каби даҳшатли хавф тобора кучайиб бораётган мураккаб бир вазиятда эл-юртимизнинг тинчлиги ва осойишталигини сақлаш, уни турли бало-қазолардан асраш, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлашни бугунги кундаги ўта муҳим ва энг долзарб вазифамиз тариқасида қабул қилишимиз даркор.

Шу борада замонавий қурол-яроғ ва техника билан таъминланган, ихчам ва ҳаракатчан, бугунги кун талабларига тўла жавоб берадиган Қуролли Кучларимизни шакллантириш ва шу мақсадда амалга ошираётган ислоҳотларимиз нақадар долзарб эканини, уларнинг аҳамияти ва моҳиятини тушуниш, англаб етиш қийин эмас.

Миллий қадриятларимиз ва аждодларимизнинг жанговар анъаналарига, шу билан бирга, энг замонавий талаблар ва андозаларга мос келадиган армиямизни барпо этиш ҳақида гапирар эканмиз, ўтган қисқа давр мобайнида ана шу мақсадга эришиш йўлида дастлабки қадамлар қўйилганини айтиш зарур.

Аввало, мамлакатимизнинг Мудофаа доктринаси ишлаб чиқилиб, шу негизда Қуролли Кучларимиз модернизация қилинаётган бир пайтда унинг таркибини мутлақо янгича асосда - энг кичик гуруҳдан тортиб бригадагача қайтадан тузиш, ҳарбий округлар, махсус қисм ва бўлинмалар ташкил этиш, биз яшаётган Марказий Осиёдаги мавжуд хавф-хатарлар, юртимизга қарши қаратилган ҳар қандай хуруж ва юришларнинг олдини олиш борасидаги ислоҳотлар минтақамиздаги ҳарбий ҳаракатлар майдонининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ўтказилаётгани шулар жумласидандир.

Юртимиз хавфсизлиги ва мамлакатимиз истиқболини таъминлашда ҳал қилувчи аҳамиятга молик бўлган бундай йўналишда олиб борилаётган ислоҳотларни қатъиятлик билан охирига етказиш, бир сўз билан айтганда, халқимизнинг энг ишончли таянчи ва суянчи, фахри ва ифтихори бўлмиш миллий армиямизни барпо этиш давлатимиз ва жамиятимиз, Ватанимизнинг тақдирига бефарқ қарамайдиган ҳар қайси инсоннинг муқаддас бурчига айланиши зарур.

Албатта, ўз Қуролли Кучларини қураётган ва унинг куч- қудратини оширишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган ҳар қайси давлат ҳарбий тузилмаларни энг замонавий, мутлақо янги тамойиллар асосида яратилган техника ва ҳарбий ускуналар, қурол-яроғ билан таъминлаши даркор. Буни ҳеч ким инкор этолмайди.

Аммо бундай вазифани ҳисобга олган ҳолда Қуролли Кучларимизнинг ҳарбий маҳоратини ошириш, ҳар қандай вазиятда ҳам ҳар қандай машаққатли синовдан шараф билан чиқиш, аввало, сиз, бугун хизмат қилаётган ҳарбийлардан нафақат жисмоний тайёргарликни, балки юксак ақл-идрок, интеллектуал салоҳият, алоҳида руҳий-маънавий хусусият ва фазилатларга эга бўлишни, энг замонавий қурол-яроғларнинг сир-асрорини пухта эгаллашни тақозо этади.

Бу ўз навбатида Қуролли Кучларимизда хизмат қилаётган инсонларимиз, авваламбор, оддий аскар ва сержантлар, офицер ва генералларимизнинг мустаҳкам ирода ва фидойилиги, она юртга меҳр-муҳаббат ва садоқатига сўзсиз боғлиқдир.

Шу маънода, армиямизда соғлом маънавий муҳитни яратишда таълим-тарбия ишларига алоҳида эътибор бериш, ҳарбий тайёргарлик жараёнини илғор техник ва технологик воситалар, янгича усул-услублар асосида ташкил этиш, ҳарбий хизматнинг интеллектуал мезонлари ва йўналишларини такомиллаштириш йўлида бошлаган ишларимизни изчил давом эттиришимиз шарт.

Айниқса, сержантлар тайёрлаш мактаблари, замонавий ҳарбий полигонлар, офицер кадрларни тайёрлаш бўйича моделлаштириш ва симуляция марказлари фаолиятини, шунингдек, НАТОнинг «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури доирасида амалга оширилаётган ўқув машғулотларининг самарадорлигини юксак босқичга кўтаришимиз лозим.

Энг муҳими, шуни такрор ва такрор айтмоқчиман: ҳарбий хизматни ўзининг касби, Ватан ва халқ олдидаги муқаддас бурчи деб биладиган, бутун ҳаётини Қуролли Кучларимиз сафида хизмат қилишга бағишлаган ўғлонларимизнинг оғир хизматини қадрлаш, уларнинг туну кун, тиним билмасдан ўз ҳарбий маҳоратини ошириш йўлида қилаётган машаққатли меҳнатини эъзозлаш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Биз бу борада ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларининг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, нафақат сержант ва офицерлар, шартнома-контракт бўйича хизмат қиладиган ҳарбийларнинг, айни вақтда муддатли хизматга чақирилган оддий аскарларнинг ҳам молиявий таъминотини янада яхшилашни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз.

Шундай амалий мақсадларга эришиш йўлида Олий Мажлисимизнинг яқинда бўлиб ўтган X сессиясида қабул қилинган «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги қонун алоҳида ўрин тутади. Бу қонунга мувофиқ ҳарбий хизмат муддатини 12 ойгача қисқартириш, янги турдаги армияни шакллантиришга доир ҳуқуқий асосларнинг яратилиши ўз фарзандларини катта орзу- умидлар билан армия сафига кузатаётган ота-оналарнинг кўнглини хотиржам қилишига, мухтасар қилиб айтганда, фуқароларимиз учун армияда хизмат қилишни нафақат фахрли бурч, балки олий шарафга, ўз Ватани ва халқига садоқат, жасорат ва матонат мактабига айлантиришига, унинг нуфузини янада оширишига ишонаман.

Қадрли Ватан ҳимоячилари, мард ўғлонларим!

Тинч ҳаётимиз, мусаффо осмонимиз, жажжи болаларимизнинг қувноқ кулгуси, ота-оналаримизнинг осуда умр кечириши - Оллоҳ таоло ўзи бизга берган мана шундай ҳаётнинг ҳимояси, уни асраб- авайлаш, кўз қорачиғидай сақлаш барчамизнинг, авваламбор, сизларнинг қўлингиздадир.

Халқимиз армия сафларида хизмат қилаётган ўз фарзандларига ҳамиша ғурур ва ифтихор билан қарайди, ўз армиясига, Ўзбекистон Қуролли Кучларига ишонади.

Ана шу юксак ишончга доимо муносиб бўлишингизни истайман.

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий бош қўмондони**



## ЮРТ ҲИМОЯСИ– МУҚАДДАС!

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

### ФАРМОНИ

### «Ватан ҳимоячилари куни» муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Мудофаа, Ички ишлар ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Миллий хавфсизлик хизмати, Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи ҳамда Божхона қўмиталари, «Ватанпарвар» ташкилоти, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг алоҳида ўрнак кўрсатган ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

**Мамлакатимизнинг мудофаа қудратини янада юксалтириш, сарҳадларимиз дахлсизлиги ва миллий хавфсизликни таъминлаш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ҳуқуқ-тартибот ва эл-юрт осойишталигини мустаҳкамлаш ишига қўшаётган катта ҳиссаси, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги самарали фаолияти учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:**

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЁШЛАР МУРАББИЙСИ»**

**Мелиев Умар** - Давлат божхона қўмитасининг Божхона суриштируви ишлари бошқармаси бош инспектори

**Мухтаров Махмуд Сабирович** - Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Ризаметов Назриддин Ахмедович** - Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Тошкент шаҳар кенгаши раиси

**Садиров Ибрагимжон Мамасалиевич** - Ички ишлар вазирлиги ички қўшинлар бош бошқармаси ҳарбий қисм командири

**Син Олег Игоревич** - Мудофаа вазирлиги Чирчиқ олий танкчи қўмондонлик-муҳандислик билим юрти кафедраси бошлиғи

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЮРИСТ»**

**Хасанов Оқил Ахатович** - Бухоро вилояти ички ишлар бошқармаси Терговбошқармаси бошлиғининг ўринбосари

**Республикамиз қуролли кучларининг жанговар ва сиёсий тайёргарлигини ошириш, давлатимиз ва халқимизнинг осуда ҳаётини муҳофаза этишда мардлик ва фидойилик намунасини кўрсатганлиги, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилишдаги жасорати, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш борасидаги катта хизматлари учун қуйидагилар мукофотлансин:**

**II-ДАРАЖАЛИ «ШОН-ШАРАФ» ОРДЕНИ БИЛАН**

**Абдусаломов Алижон Барижанович** - Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитанинг чегара пости бошлиғи

(Давоми 2-бетда)

# АГРАР СОҲА РАҲБАРЛАРИ ЎҚУВИ БОШЛАНДИ

***Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг ва вилоятлар ҳокимларининг қишлоқ хўжалиги масалалари бўйича биринчи ўринбосарлари, қишлоқ туманлари ҳокимлари ҳамда агросаноат соҳасига тааллуқли вазирлик ва идоралар раҳбарларининг ўн кунлик семинар-мунозараси бошланди.***





Мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқларида олиб борилаётган ислоҳотларни янада жадаллаштириш, соҳага тегишли қонунлар, ҳукумат қарорларини чуқурроқ ўрганиш, эришилаётган ютуқлар, йўл қўйилаётган муаммо ва камчиликларни биргаликда муҳокама қилиш ҳамда келгусидаги вазифаларни белгилаб олиш мақсадида ташкил этилган ушбу тадбирни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков очди.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида Юртбошимиз Ислом Каримов раҳбарлигида изчиллик билан амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар самараси ўлароқ, қишлоқда туб ўзгаришлар юз беришига эришиляпти.

(Давоми 2-бетда)

# ФАХРЛИ БУРЧ, ОЛИЙ ШАРАФ

***Мамлакатимиз сарҳадларининг дахлсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини сақлаш, эл-юртимизнинг осуда ҳаётини ишончли ҳимоя қилишга қодир, замонавий қурол-аслаҳа ва техника билан таъминланган, яхши тайёрланган ва бугунги кун талабларига жавоб берадиган, сон жиҳатдан ихчам ва ҳаракатчан Қуролли кучларни вужудга келтириш – Ўзбекистонимизнинг буюк келажагини барпо этиш йўлидаги энг муҳим вазифалардан биридир.***

**14 ЯНВАР – ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ**

Шу мақсадни амалга ошириш учун ҳозирги кунда мамлакатимиз Қуролли кучларини ислоҳ қилиш бўйича жуда катта амалий ишлар олиб борилаётир.

Ҳарбий хизматнинг қанчалик қийин ва масъулиятли ва айни пайтда давлат ва жамият учун жуда зарур эканлигини ҳаммамиз яхши биламиз. Ҳарбий соҳа мутахассислиги кўпроқ мардлик, матонат ва фидойилик фазилатларини, ўз Ватани олдидаги бурчи ва қасамёдига содиқликни талаб этади. Вояга етган ҳар йигит, ҳар бир фуқаро учун Қуролли кучлар сафида хизмат қилиш катта шарафдир.

Айниқса, кейинги йилларда ёшларимиз ҳавас ва иштиёқ билан армияга боришга интилишаётир. Чунки мустақиллик шарофати билан тубдан қайта ташкил этилган Қуролли кучларимиз собиқ Шўролар давридаги армиядан кескин фарқ қилади.

Бугун Қуролли кучлар сафида хизмат қилаётган ҳар бир зобит ва аскар ягона Ватан – Ўзбекистон учун, унинг халқи, тинчлиги, юрт осойишталиги йўлидаги муқаддас фуқаролик бурчини адо этаётганлигини яхши билади.

(Давоми 2-бетда)

**ТАДБИРКОРЛИК**

***2002 йил бошида Бағдоддаги мебел корхонаси Тошкентдаги ўзининг мебел ишлаб чиқариш технологияси жиҳатидан Ўрта Осиёда ягона бўлган “Файз холдинг” компанияси таркибига киритилди ва янгитдан ташкил этилиб, “Файзли Бағдод” масъулияти чекланган жамиятга айлантирилди.***

Сал ўтмай, корхонадаги ишлар ривожланиб кетди.

# “ФАЙЗЛИ БАҒДОД” ОҲАНРАБОСИ

Мустақиллик шарофати билан тадбиркорликка кенг йўл очилди. Шунинг учун Муҳаммаджон Деҳқонов ўзи яшайдиган "Хазиний" ширкат хўжалигидан цех қуришга ер олди ва 1993 йилдан ўз цехида эшик-деразa, стол-стуллар, турли ҳажмдаги сўрилар тайёрлай бошлади.

(Давоми 3-бетда)

# ҲАМ ОЛИМ, ҲАМ МУРАББИЙ

***Ҳар соҳанинг ўз олими, ҳар олимнинг ўз олами бўлади. Қутлуғ саксон ёшини қаршилаётган Назар Матчонов эса мамлакатимизда ветеринария фанининг ривожига муносиб ҳисса қўшган дарғалардан биридир. У киши ветеринария фанлари доктори, профессор, 300 дан ортиқ илмий иш, 6 монография муаллифи ҳамда 22 фан номзодининг суюкли устози. Ўзбекистондагина эмас, ўзга юртларда ҳам таниқли олим.***



**ЭЙ УМРИ АЗИЗ**

Заҳматкаш ва фидойи фан арбоби 30 дан ортиқ мамлакатларда илмий ва хизмат сафарларида бўлган, Англия, Канада, Венгрия, Болгария ва бошқа давлатларда гельминтлар ҳаёт тарзи, табиатда инвазия циркуляцияси қонуниятлари бўйича ишлари босилиб чиққан. Гельминтология фани асосчиси, рус олими, академик К.И.Скрябин, Назар Матчоновнинг докторлик тадқиқотига: “Катта, қизиқарли ва ранг-баранг маълумотларга бой ушбу кўп йиллик иш, назария ва амалиёт бирлигига ёрқин мисол бўла олади, ҳайвонларни ценуроздан халос қилиш методларининг ишлаб чиқилиши ажойиб натижаларни берди. Назар Маткаримович Матчонов ишини машҳур илмий-тадқиқот деб ҳисоблайман”, дея баҳо берган эди.

Назар Матчонов қадимий Хивада туғилиб ўсди. Меъморлар, ҳунармандлар, санъаткорлар шаҳрида вояга етган бу инсоннинг ветеринария соҳасини танлаши кўпчилик қатори бизни ҳам қизиқтирди. Аввалига ўзимизча теварак-атрофи боғ-роғлар, қалъа, қишлоқлар, бир томонда пишқириб дарё оқиб турса, табиат қўйнида мол боқиб, от миниб, қўй-қўзиларнинг маърашидан завқланиб шу соҳани танлагандир-да, деб ўйлаган эдик.

(Давоми 3-бетда)

**ШУНДАЙ ОДАМЛАР БОР**

***Солиҳа опанинг турмуш ўртоғи Юнус ака жаҳонгашта инсон. Қаерданки, қизиқ бир гап эшитса, ўша томонга ўтиб келмаса, кўнгли тинчимайди. Солиҳа опа ҳам, фарзандлари ҳам бу одатга кўникиб қолишган.***

Ўн йилча бўлди. – Юнус аканинг ишқи гулчиликка тушган. Узоқроқ шаҳарда яшайдиган бир ўртоғиникига тўйга бориб келди-ю, таассуротини уч кун гапириб юрди. Ўртоғининг ҳовлисидаги бор-йўғи беш сотихча келадиган жойга анвойи гулларнинг 20 дан зиёд тури ўзгача ифор таратиб турганлиги, ҳовли саҳнида ажиб тароват борлиги, хушбўй гуллар ҳидининг димоққа ёқишига Солиҳа опа ҳам ғойибона шайдо бўлди. Бунинг устига яхши гулларнинг бозори чаққонлигини ўз кўзи билан кўриб келган Юнус ака гул ҳовли яратиш тадоригини кўра бошлади.

# ГУЛБИБИ

(Давоми 4-бетда)

# ЧЎЛ ЖИЛОСИ

***Нодир Шалабаев отининг юганини тортди. От бошини ўнгга, сўлга буриб катта саксовул дарахти қаршисида тўхтади. Йигит узангидан оёғини чиқариб ерга қўйди.***

Одми кийинган, узун бўйли, кўзлари осмондек тиниқ йигит хаёлчан етаклаб, бир неча қир пиёда юрди. Унинг хаёлидан нима кечарди? Фусункор чўлнинг жилосими? Айқаш-уйқаш шохлари ерга тегай-тегай деб турган саксовул дарахтларидаги мўъжаз рангларми?

- “Ё, пирай!” Бу рангларни у ҳар куни кўради. Лекин ҳар кўрганда қалбининг тубида олам гўзаллигини ҳис этгандек бўлади. Табиатнинг тўрт фаслида рангини ўзгартириб боради. Бунда қандай сир-синоат бўлиши мумкин? Кўкламда нилий рангга бўялади. Ер ҳам, саксовул зор ҳам кўк гумбазидаги жозибадек товланади.

**ЗАМОНДОШ БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ**

Ёзда саксовул дарахтларининг ранги офтобнинг тандир янглиғ алангасини эмиб қанотини кенг ёзади. Кузда эса бу чўл афсоналари олтинранг тус олади, қишда кул ранг ва кумуш ранг қиёфага киради.

Нодир болалигидан бу дарахтларни суйиб яшади. Уларни чирпиларини бармоқлари билан силаб, ҳар бир шохчасига меҳр кўзи билан қарайди.

- Саксовул дарахтлари Қизилқумнинг ёқутлари, - дейди Шалабаев.- Негаки, саксовулзорлар қум кўчишига йўл қўймайди, бу эса яйловлар ҳолатини ўзлигича сақлаш имконини беради. Ўт-ўланлар кўкламдан то қор тушгунгача қўйнинг сутли патиридир.

...Нодир Шалабаев чўлда туғилиб, вояга етгач чўпон бўлди. Мана ўн йилдирки у хўжаликда наслчилик ишлари бўйича мутахассис бўлиб ишлаб келаяпти.

(Давоми 3-бетда)

## КЕЛГУСИ СОНДА:

МЕҲР БОЗОРИ

ИФФАТ КЎЗГУСИДАГИ ҒУБОР

“АРОҚНИ ЯШИР!”

# «Ватан ҳимоячилари куни» муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Мудофаа, Ички ишлар ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Миллий хавфсизлик хизмати, Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи ҳамда Божхона қўмиталари, «Ватанпарвар» ташкилоти, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг алоҳида ўрнак кўрсатган ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

(Боши 1-бетда)

**Атамуратов Сафарбай Тажибаевич** - Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармасининг ўта муҳим ишлар бўйича катта тезкор вакили

**Камилов Акмалжон Адхамович** - Мудофаа вазирлигининг ҳарбий қисм командири

**Каримов Миргалим Кабилович** - Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари

**Мустафаев Исан Муртазаевич** - Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Набиев Мухиддин Уктамович** - Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитанинг чегара назорати пости бошлиғи

**Рустамов Фарход Ибрагимович**- Мудофаа вазирлигининг ҳарбий қисм взводи командири

**Худоятханов Валижон Ахматханович** - Ички ишлар вазирлиги Ички қўшинлар бош бошқармасининг ҳарбий қисм взводи командири

### «МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН

**Абдуллаев Наиль Зелимхонович**- Қашқадарё вилояти фавқулодда вазиятлар бошқармаси тезкор бўлими бошлиғи -бошқарма бошлиғининг ўринбосари

**Гайфуллин Руслан Адипович** - Тошкент вилояти ички ишлар бошқармаси тоғли ҳудудлардаги жиноят қидирув бўлинмалари фаолиятини таҳлил қилиш ва мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи

**Ниязалиев Бахтияр Анарметович** - Мудофаа вазирлигининг ҳарбий қисм командири

**Хасанов Ильясхан Ашрапович** - Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳузуридаги Давлат фельдъегерлик хизматининг катта офицери

**Шаймарданов Уктам Хасанович** - Давлат божхона қўмитасининг Сурхондарё вилояти бошқармаси Контрабанда ва божхона қоидалари бузилишига қарши курашиш бўлими муҳим ишлар бўйича катта тезкор вакили

### «ЖАСОРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

**Абдукаримов Аваз Рихсибоевич** - Ички ишлар вазирлиги Ички қўшинлар бош бошқармасининг ҳарбий қисм взводи командири

**Азизов Мамиржон Махмуджонович** - Мудофаа вазирлигининг батальон гуруҳи мутахассиси

**Анаркулов Хайрулла** - Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси ўта муҳим ишлар бўйича катта тезкор вакили

**Артиков Саид Сабиржанович** - Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитанинг махсус гуруҳи командири ўринбосари

**Ахмедов Ахрор Тошмурзаевич** - Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитанинг чегара пости ўқчиси

**Ахмедов Бобур Оманкелдиевич** - Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитанинг чегара пости бошлиғи

**Ахмедов Васлиддин Рахматуллаевич** - Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи командирининг ўринбосари

**Ахмедов Салимжон Собирович** - Мудофаа вазирлигининг ҳарбий қисм батальони командири

**Бегматов Лутфулло Махмудович** - Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитанинг гуруҳи катта разведкачиси

**Бозоров Юнус Эргашевич** - Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Ботуров Азамкул Халимович** - Сирдарё вилояти ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармасининг ўта муҳим ишлар бўйича катта тезкор вакили

**Гаипназаров Бахтиёр Пардаевич** - Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитанинг чегара дивизиони қўриқчи кема командири

**Жўраев Тўлкинжон Ибрагимович** - Ички ишлар вазирлиги Жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бош бошқармасининг тезкор вакили

**Исаев Наурызбай Сапарбаевич** - Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитанинг чегара назорати взводи командири

**Каримов Вали Амонович** - Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Кетмонов Хатамжон Абдурахмонович** - Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Комаров Игорь Викторович** - Ички ишлар вазирлиги Ички қўшинлар бош бошқармаси ҳарбий қисм гуруҳининг командири

**Қосимов Ахмад Кодирович** - Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитанинг чегара пости секция командири

**Косимов Мухаммадали Шералиевич** - Мудофаа вазирлигининг ҳарбий қисм артиллерия батареяси командири

**Маматмуратов Тимур Рахимович** - Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитанинг чегара назорати пости бошлиғи

**Машарипов Ахмеджан** - Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Мирошкин Александр Федорович** - Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Мурачев Олег Олегович** - Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Насретдинов Фируз Бобирович** - Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитанинг чегара пости отлиқ-мергани

**Насритдинов Зафар Шавкитдинович** - Навоий вилояти ички ишлар бошқармаси пост-патруль хизмати батальони милиционери

**Ниязов Рустам Таганович** - Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитанинг чегара взводи назоратчиси

**Нуралиев Мансур Махмудович** - Ички ишлар вазирлиги Жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бош бошқармасининг катта тезкор вакили

**Нурматов Абдуллажон Абдулхакович** - Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитанинг чегара пости назоратчиси

**Обидов Сайдулло Солиназарович** - Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитанинг чегара райони гуруҳи командири ўринбосари

**Раззоқов Жабборберди Абдуллаевич** - Мудофаа вазирлигининг ҳарбий қисм гуруҳи командири

**Раимбердиев Одилжон Мухитдинович** - Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитанинг чегара взводи катта назоратчиси

**Рахимов Алишер Баходирович** - Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисмининг назорат-текширув бўлинмаси техниги

**Сафаров Уктам Абдурашидович** - Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитанинг отряди гуруҳи командири ўринбосари

**Туйчиев Толиб Эгамбердиевич** - Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита чегара взводи назоратчиси

**Тулепов Айдарбек Медетович** - Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Усманов Бахтиёр Хабибуллаевич** - Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Хусанов Ойбек Хамрокулович** - Ички ишлар вазирлиги Ички қўшинлар бош бошқармаси ҳарбий қисмининг йўриқчиси

**Шаматов Абдуллажан Мирзажонович** - Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитанинг чегара пости назоратчиси

**Шарипов Аъзам Муродуллаевич** - Ички ишлар вазирлиги Ички қўшинлар бош бошқармасининг ҳарбий қисм гуруҳи командири

**Эргашев Кувончбек Юнусович** - Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитанинг чегара пости секцияси командири

**Эшчанов Нураддин Нориманович** - Мудофаа вазирлигининг ҳарбий қисм қўриқлаш отряди ўқчиси

### «ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

**Бердиев Асадулла Абдикахарович** - Мудофаа вазирлиги Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти ўқув батальони катта инструктори

**Гайбуллаев Исматулла** - Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий клиник госпитали қон ва унинг компонентларини тайёрлаш марказининг бошлиғи

**Гозиев Норимкул Умарович** - Жиззах вилояти Жиззах шаҳар ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

**Дадажанов Джахангир Шухратович** - Мудофаа вазирлигининг ҳарбий қисм. взводи командири

**Джураев Усмон Бакаевич** - Давлат божхона қўмитасининг Бухоро вилояти бошқармаси «Олот» божхона назоратини ўтказиш комплекси суриштирувчиси

**Зиядов Бахадыр Зейнуллаевич** - Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисмининг таъмирлаш гуруҳи командири

**Казаков Баходир Алиевич** - Мудофаа вазирлигининг ҳарбий қисм взводи командири

**Каримов Гани Кадирберганович** - Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисмининг таъмирлаш гуруҳи командири

**Кузиев Умарбек Искандарович** - Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитанинг чегара пости алоқа секцияси оператори

**Курбанов Алишер Хамидович** - Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Маллабаев Шавкат Зайнидинович** - Мудофаа вазирлигининг ҳарбий қисм взводи старшинаси

**Мамуров Набиджан Ганиджанович** - Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Андижон вилояти кенгаши раиси

**Маннанов Одилжон** - Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Нурматов Сагдылла Зубаевич** - Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм таъмирлаш-монтаж цехининг катта техниги

**Пулатов Абдукамал Кадирович** - Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитанинг Тошкент олий ҳарбий чегарачилар билим юрти кафедраси доценти

**Рузматов Шовкатбек Хамитович** - Ички ишлар вазирлиги бошқарма бошлиғининг ўринбосари .

**Саидов Рамиль Азатович** - Бухоро вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармасининг Раҳбарлар таркибини тайёрлаш маркази бошлиғи

**Сапаров Улуғбек Абдуллаевич** - Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Скляревский Павел Семёнович** - Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳузуридаги Махсус авария-тиклаш бошқармаси бошлиғи ўринбосари

**Сманов Қалдыбек Оразулы** - Давлат божхона қўмитасининг Миллий кинология маркази кичик инспектор-кинологи

**Тиркашев Учкун Насриддинович** - Мудофаа вазирлигининг ҳарбий қисм гуруҳи командири

**Уланов Алексей Юрьевич** - Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисмининг муҳандислик хизмати бошлиғи

**Хайрулин Рашит** - Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми алоқа марказининг ўқув жараёнини таъминлаш катта инструктори

**Халиков Эркин Тураевич** - Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисмининг хизмат кўрсатиш ва техникаларни сақлаш бўлими техниги

**Хушваҳов Шавкат Равшанович** - Мудофаа вазирлиги Чирчиқ олий танкчилар қўмондонлик-муҳандислик билим юртининг ўқув машиналарини ҳайдаш бўйича гуруҳи инструктори

**Шелепов Александр Анатольевич** - Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисмининг алоқа узели секция командири

**Эшонкулов Кахрамон Олтинович** - Жануби-ғарбий ҳарбий округ ҳарбий суди раиси

**Юртимизда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, давлатимиз ва жамиятимизда ҳуқуқ ҳамда манфаатларни ҳимоя қилиш, қонунчиликни мустаҳкамлаш ишига қўшган салмоқли ҳиссаси учун қуйидагилар Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин:**

**Абдумажидов Шухрат Халдаралиевич** - Давлат божхона қўмитасининг Андижон вилояти бошқармаси «Андижон» темир йўл бекатидаги ташқи иқтисодий фаолият божхона пости бошлиғи

**Балашова Галина Абдурахмановна** - Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар Академиясининг чет тиллар кафедраси мудири

**Курганбеков Махмуд Мухanoвич** - Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар Академиясининг кафедра бошлиғи ўринбосари - муҳандислик хизмати бошлиғи

**Лазарев Валерий Олегович** - Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитанинг Тошкент олий ҳарбий чегарачилар билим юрти кафедраси катта ўқитувчиси

**Матгазиев Мухаммадамин Тошпулатович** - Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳузуридаги Давлат фельдъегерлик хизмати Фарғона вилояти бўлинмаси бошлиғи

**Нурматов Рустамжон Равшанбек ўғли** - Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Нурходжаев Анварбек Кораходжаевич** - Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Фуқаро муҳофазаси институти бошлиғининг ўқув-услубиёт бўйича ўринбосари

**Пулатов Элдор Хакимович** - Ўзбекистон Республикаси ҳарбий прокурорининг катта ёрдамчиси - жиноятларни тергов қилиш бошқармаси бошлиғи

**Саидов Камолиддин Зайниддинович** - Ички ишлар вазирлиги Ички қўшинлар бош бошқармаси ҳарбий қисм секциясининг командири

**Сафрыгин Александр Григорьевич** - Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлар бош бошқармасининг ҳарбий қисм бўлими бошлиғи

**Таджибаев Зухриддин Мухритдинович** - Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг Наманган вилояти Наманган тумани бўлими бошлиғи

**Турдиматов Аманбай Базарбаевич** - Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Ульмасов Сунатилла Пазылович** - Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди судьяси

**Хомидов Махмуджон Сотволдиевич** - Фарғона вилояти пост-патруль хизмати батальони милиционери

**Юнусов Қахрамон Мелиевич** - Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2003 йил 10 январь

# АГРАР СОҲА РАҲБАРЛАРИ ЎҚУВИ БОШЛАНДИ

(Боши 1-бетда)

Ҳосилдорлик ўсиб, деҳқонда ерга, мулкка, етиштирган маҳсулотига эгалик ҳисси ортмоқда. Хўжалик юритишнинг мақбул усул ва иқтисодий механизмлари қатъият билан жорий этилаётир.

Аграр соҳада изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар туфайли бу йил мамлакатимиз тарихида энг кўп - беш ярим миллион тоннага яқин ғалла етиштирилди. Дастлабки натижаларга кўра, хўжаликларнинг 75 фоизи қарийб 45 миллиард сўм фойда олиши, пайчиларга эса 7,8 миллиард сўм дивиденд берилиши кутилмоқда. Бу - олдинги йилга нисбатан икки баробар кўп демакдир.

Пахтачиликда юзага келган ўзига хос муаммоларга қарамай, юқори сифатли «оқ олтин» хирмони уйишга эришилди. 3 миллион 159 минг тонна пахта тайёрланди.

Шу билан бирга кўпгина вилоят ва туманларда мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмади. Таҳлилларнинг кўрсатишича, айрим туман ва хўжалик раҳбарларида иқтисодий ислоҳотларнинг туб моҳиятини етарлича англамаслик, соҳани ривожлантиришга оид қонун ва меъёрий ҳужжатларни амалиётга татбиқ этишда камчиликларга йўл қўйиш, фермер хўжаликлари ташкил этишда тегишли билим ва тажриба етишмаслиги сезилмоқда.

Семинар давомида қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш борасида йўл қўйилаётган хато ва камчиликлар, муаммолар ҳамда уларнинг ечими юзасидан батафсил фикр-мулоҳаза юритилади.

Семинарнинг биринчи кунида мамлакатимизда икки палатали парламент тизими жорий этилишининг аҳамияти, иқтисодиётни замон талабларига мослаштириш, жамиятни маънавий юксалтириш, барча соҳаларни эркинлаштириш, ҳозирги босқичда маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ўртасидаги муносабатлар, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувлик ҳамда хавфсизликни таъминлашни мустаҳкамлаш билан боғлиқ мавзуларда маърузалар тингланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э.Халилов, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари В.Голышев, З.Ҳусниддинов, Бош вазир ўринбосари Э.Ғаниев ва бошқалар маъруза қилди.

Семинарнинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.Худайбергенов, Бош вазир ўринбосари Н.Юсупов иштирок этди.

**Олим НОРБЕКОВ,**
**ЎзА мухбири.**

* *

# ҚИШ: ЎҚИШ ВА УҚИШ

**НИГОҲ**

***Аҳли зироатда "Қиш бекорчилик даври эмас" деган нақл юради. Кимгадир бу хуш келмаса ҳам яхши тушунадики, замирида чуқур маъно бор. Чунки қиш деҳқон учун, наинки деҳқон, жамийки тирик жон учун янги йилнинг, янги умид ва ташвишларнинг бошланишини англатади. Демак, уларга пухта ҳозирлик талаб этилади.***

Кейинги йилларда мамлакатимизда "қиш – ўқиш даври" деган янги ибора пайдо бўлди. Сабаби янги йилнинг дастлабки кунлари агросаноат мажмуидаги барча бўғинлар раҳбарларининг ўқишлари ва синовлари ўтказилаётир. Республика даражасидаги тармоқлар етакчиларидан бошлаб, вилоят ҳокимларининг агросаноат масалалари билан шуғулланувчи муовинлари, туман ҳокимлари, вилоят ва туманлар қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари раҳбарлари, ширкат ва фермер хўжаликлари раислари ўз билимлари,



маҳорат ҳамда тажрибаларини оширмоқдалар, синовдан ўтказмоқдалар. Кеча республика Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида ана шу ўқувларнинг биринчи босқичи бошланди.

Дафъатан қараганда, бу оддий ва одатий воқеа. Ислоҳотлар жараёнининг рисоладаги тадбирларидан бири. Аммо...

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги, қолаверса, бутун иқтисодий ва ижтимоий ҳаётида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган туб ислоҳотлар давом этаётгани, тобора чуқурлашиб бораётганини ҳисобга оладиган бўлсак, бу тадбирнинг нечоғлик катта аҳамиятга эга эканлигини бир қадар тушунамиз.

Республикамиз Президенти илгари сурган беш тамойилдан бирига кўра давлат бош ислоҳотчи. Шубҳасиз, бу тамойилни амалга оширишда катта-кичик бўғиндаги раҳбарларнинг ўрни ғоят муҳим. Бинобарин уларнинг, бош мутахассисларнинг билими, маҳоратини узлуксиз ошириб бориш жуда-жуда зарур.

Ана шу заруратнинг теран англанаётганлиги ва қиш фаслининг ўқиш фаслига айланаётганлиги ғоят мақбул ҳодиса.

Ўқувларнинг дастурлари, мўлжалланаётган семинар-мунозараларнинг мавзуларини кўздан кечирар эканмиз, уларнинг анча мукаммал, кенгқамровли ва чуқур таҳлилларга асосланганига амин бўламиз. Мавзулар доирасида Ўзбекистонда демократик-ҳуқуқий давлат қурилиши хусусиятларидан келиб чиқиб, икки палатали парламент тизими жорий қилинишининг, миллий истиқлол ғояси асосида фуқаролик жамияти барпо этилишининг аҳамиятидан тортиб, ички ва ташқи хавф-хатарлар, коррупция ва жиноятчиликнинг кўринишлари, зарарли оқибатлари ҳамда уларга қарши курашиш, олдини олиш чора-тадбирларигача, иқтисодиётнинг глобал муаммоларидан тортиб, қишлоқ хўжалиги технологияларининг энг майда икир-чикирларигача қамраб олинган. Албатта, бу тасодифий эмас. Ислоҳотлар шароитида ҳаёт раҳбарлар, мутахассислар олдига янги-янги муаммоларни кўндаланг қилиб қўймоқда. Уларнинг қаршисида эсанкираб қолиш, "мулла билганини ўқийди" қабилида яроқсиз маъмурий-буйруқбозлик усулига зўр бериш фақат зарар келтиради. Бугунги раҳбар бошқарувнинг замонавий, сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан мантиқли, асосли, прогрессив услубларидан фойдаланган тақдирдагина муваффақиятга эришмоғи мумкин.

Билими йўқ раҳбар "Сеҳрли қалпоқча"даги Ҳошимжон сингари шира босган ғўзани калтаклашдан бошқа чора тополмайди. Дарвоқе, калтаклаб ишлаш усулидан халос бўлишнинг бирдан-бир йўли қонунларни билишга боғлиқдир. Шу жиҳатдан, дастурларда қонунчилик ва ҳуқуқ масалаларига жиддий эътибор қаратилганлиги диққатга сазовордир. Зеро, бугун демократик ислоҳотлар йўлидан бораётган мамлакатимизда раҳбарларнинг қонунларни билиши ва уларга қатъий амал қилиши жуда катта аҳамиятга эга. Чунки куни кеча биз "қонун бу – райком, обком, марказком", деган мазмундаги жамиятда яшаганмиз ва адолатни, ҳақиқатни ҳам қонунчилик идораларидан эмас, ўша партиявий маҳкамалардан излаганмиз. Афсуски, ҳозир ҳам ана шу иллатнинг сарқитлари ондасонда юз кўрсатиб туради. "Қонун – бу мен" дегувчи раҳбарлар учрайди. Бу сарқитларга қарши аёвсиз курашмоғимиз талаб этилади.

Ана шу курашда ҳам бизга мазкур ўқишлар давомида олган билимларимиз жуда асқотади. Демак, каттаю кичик раҳбарларнинг саводини оширар эканмиз, бунга алоҳида эътибор бермоғимиз зарур.

Билъакс, бугунги ўтиш даври раҳбарларидан маънавият масалаларига кўпроқ эътибор беришни, инсон қалби, ички дунёси, ўй-кечинмаларини англашга интилиш заруратини тақозо этмоқда. Содда қилиб айтганда, қийинчиликларни инсоний муносабатлар, меҳр-оқибат, ўзаро иззат-ҳурмат, саховат ва мурувват ила енгмоқ осонроқ кечади.

Таҳсил давомида ҳаётимизнинг ана шундай муаммою масалалари ҳақида ҳам, шубҳасиз, маърузалар, мунозараю баҳслар бўлади. Бир сўз билан айтганда, ўқишлар жараёнида вазиру ҳокимлардан тортиб, ширкату фермер хўжаликлари раисларигача билиши ва қилиши лозим бўлган илму амаллар хусусида батафсил фикр юритилади.

Маърузаю маъвизаларга мамлакатимизнинг таниқли олиму мутахассислари, етук зиёлилари жалб этилмоқда. Энди ҳамма гап... Таҳсил аҳлининг ўқувларга муносабатида, фақат ўқиш билан чегараланмасдан, бу таҳсилнинг мазмуни, долзарб аҳамияти ва моҳиятини чуқур англашида, уқишида.

Дарвоқе, ўқишлар асносида ўтган йиллар таҳсилларининг амалий натижалари аниқ мисолларда таҳлил қилиниши ҳам ғоят муҳим аҳамиятга молик. Айтайлик, муайян бўғиндаги раҳбарлар таҳсил давомида олган билим ва ўрганган тажрибаларини нечоғлик моҳирона қўллай олдилар? Натижа қандай бўлди? Ижобий ўзгаришлар қанақа? Ёки аксинча. Режалар бажарилмаган, ижтимоий тадбирлар суст бўлса, бунинг сабаби нима? Нега ёнма-ён, шароити бир хил туманлар ёки хўжаликларда натижалар ҳар



хил бўлаётир.

Хуллас, бу ўқишлар ана шундай қизиқарли, завқли, тиғиз ва ана шундай масъулиятлидир. Зотан, бошқача бўлмоғи мумкин ҳам эмас-да. Таҳсил аҳли тушунади: модомики, бугунги мураккаб даврда ғоят масъулиятли тармоқларда раҳбарликни бўйнимизга олиб, саркору етакчиликка жазм этган эканмиз, азму иродамиз ҳам, интилишу саъй-ҳаракатимиз ҳам шунга мувофиқ бўлмоғи керак.

Демак, берилган имкониятдан фойдаланиб, ўқиш фаслини чинакам уқиш, фикран улғайиш, маънан юксалиш палласига айлантириш, синовлардан дадил ўтиб, жонажон жамоалар бағрига ёруғ юз, янги сўз ва тафаккур, ғайрату шижоат билан қайтишимиз шарт.

Ушбу эзгу ният сизга йўлдош бўлсин, ўқувчи раҳбар дўстлар!

**Ҳ.НЕЪМАТОВ**

**СУРАТЛАРДА: семинар-мунозарадан лавҳалар.**

# ФАХРЛИ БУРЧ, ОЛИЙ ШАРАФ

(Боши 1-бетда)

Айнан мана шу хислатлар шаклланаётган профессионал армиямизнинг қудрати



ва юксак салоҳиятини таъминловчи асосий омилдир.

Биз яқинда Тошкент ҳарбий округига қарашли ҳарбий қисмлардан бирида бўлганимизда аскар ва зобитларнинг ҳақиқий ватанпарварлик руҳида айтган қуйидаги сўзларини эшитиб бунга яна бир карра амин бўлдик.

**Ботир СУЛТОНОВ, батальон командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари, капитан:**

-Қуролли кучларимизда кенг миқёсда ислоҳотлар олиб борилаётир. Бунда энг аввало ҳарбий соҳа мутахассисларнинг касб маҳоратини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Агар аскарларнинг ижтимоий-сиёсий, жанговар тайёргарлиги юқори даражада бўлса, улар ҳар қандай ҳолатда юклатилган вазифанинг уддасидан чиқишга қодир бўла оладилар.

Айниқса, Қуролли кучларимизда шартнома-контракт асосида ҳарбий хизмат тизими шаклланаётганлиги яқин келажакда бизда ҳам ривожланган мамлакатларнинг профессионал армиясидан қолишмайдиган қўшин юзага келишини таъминлаши шубҳасиз.

Ҳарбийлик машаққатли, лекин шарафли касб. Бугунги кунда ёшларимизнинг кўпчилиги бу касбни онгли равишда танлаётганлиги қувончли ҳолдир. Демак, шундай ёшларимиз кўп экан, Ватанимиз сарҳадлари дахлсиз, элюртимиз тинч-омон бўлиши тайин.

**Маъруф ИБРАГИМОВ, оддий аскар:**

Мен армия сафига чақирилмасдан олдин Қуролли кучларимизда оддий аскарлар учун шунчалик яхши шарт-шароитлар яратилганини ҳатто тасаввур қилолмас эдим. Хизмат қилаётганимга саккиз ой бўлди. Шу ўтган муддат давомида етарли ҳарбий кўникма олдим.

Бизлар учун бу ерда барча шарт-шароит муҳайё. Маънавият ва маърифат хоналарида газета-журналлар, шохмот-шашка, кутубхонада эса истаган китобингизни топиб ўқишингиз мумкин. Ошхонамизда эса доимо сифатли ва тўйимли овқатлар беришади.



"Эски хизматчилар" ва "янги келганлар" деган шўролар даври тузумида бўлган бемаъни тушунчалар бизда умуман йўқ. Ҳаммамиз дўст-биродармиз. Бунда албатта, бизларга ҳарбий таълим ҳамда маънавий тарбия бераётган командирларимизнинг ҳиссаси катта бўлаётир.



**Норгул САФАРОВА, аскар онаси:**

-Шу қисмда хизмат қилаётган ўғлимни кўргани келган эдим. Бу ерда аскарларга яратилган шароитларни кўриб жуда хурсанд бўлдим. Айниқса, ўғлим ҳар томонлама камолга етибди. Сўзлари ўктам, жуссаси чиниққан, фикрлари тиниқ. Демак, фарзандлари армияда хизмат қилаётган мен каби ота-оналарнинг фарзандларининг тақдири учун хавотир ва ташвиш чекишларига ҳеч қандай ўрин йўқ.

Ҳа, Қуролли кучларимизнинг ички ҳаёти билан яқиндан танишган ҳар бир инсон бугун ишонч билан шундай дейиши мумкин.

**Абдураззоқ КАРИМОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

***

**СУРАТЛАРДА: аскарлар ҳаётидан лавҳалар.**
Б.АКРАМОВ олган суратлар.

# ҲАМ ОЛИМ, ҲАМ МУРАББИЙ

(Боши 1-бетда)

Яқинда Назар ака билан қилган суҳбатимиздан сўнг бу "лирик тасаввуримиз" чиппакка чиқди.

-Болаликда қийналиб ўсганмиз, - дейди Назар ака жиддий тортиб. - Ўттиз еттинчи йили отамиз қатағонга учради, орадан бир йилча вақт ўтиб онамиздан айрилдик. Оилада катта фарзанд бўлганим учун ҳам укаларимнинг кейинги ҳаёти менинг чекимга тушган эди. Ўша пайтларда шаҳарда, торгина ҳовлида турардик. От ҳам минганим, мол ҳам боқиб кўрганим йўқ, ишонсангиз ҳаттоки сигирдан чўчирдим. Ҳаёт деганлари тасодифларга бой экан. Самарқанд ветеринария техникумига ўқишга кирдиму, шу соҳага боғланиб қолдим. Амалиёт пайтлари ва ўқишдан кейинги Ургутда ишлаган йилларимда от минишни, ҳайвонларнинг "тили"ни билишни ва уларни даволаш усулларини ўргандим.

От ҳақида гап кетганда бир воқеа эсимга тушиб кетади. 1972 йили Австралияга боргандик. Делегация раҳбарлиги менинг зиммамда эди. Мельбурн шаҳрида бўлганимизда, шаҳар губернатори бизни от пойгасини томоша қилишга таклиф қилди. Улардаги одат бўйича ҳар ким пойгада қатнашаётган бирор-бир отга пул қўйиши керак экан. Мен бизда бундай одат йўқлигини айтдим. Губернатор, ютқазсам - ютқазмасам ўзим хоҳлаган отни танлашимни ва пулини унинг ўзи қўйишини айтиб, ўйинга қўшилишни илтимос қилди. Биз билан борган делегация аъзолари ҳам мезбоннинг раъйини қайтармаслигимни сўрашди. Мен рози бўлдим. Ноодатий ҳол бўйича ўйиндан олдин губернатор билан отни кўришга бордик. Уларни бирма-бир кўздан кечирдим, тишлари, туёқларига разм солдим, мушакларини ушлаб кўрдим. Гурбернатор келишган, семиз отни, мен эса чайир отни танладик. Тасодифни қарангки, мен танлаган от пойгада ғолиб чиқса бўладими. Дарров мухбирлар келиб суратга олишга тушиб кетишди. Эртасига тўрт-беш газетада бу ҳақда хабарлар ҳам босилиб чиқди. Ўқисангиз, тўқималари ҳам етарлича. Уларнинг ёзишича, "Н.Матчонов чорвадор оиласида туғилган, беш ёшидан бошлаб от минишни ўрганган" ва ҳоказо.

Самарқанд ветеринария техникумини имтиёзли тугатгач, Назар Матчонов билимини янада бойитиш ниятида Ўзбекистон давлат қишлоқ хўжалик институти (ҳозирги Самарқанд қишлоқ хўжалик институти)га ўқишга кирди. Ўқишни тамомлагандан кейин, у бутун фаолиятини назария билан амалиётни қўшиб олиб боришга қаратди...

Назар Матчонов табиатан камтар, камсуқум инсон бўлганидан ўтган даврларни, айниқса шўролар даврида кечган воқеаларни эслашни унчалик хушламайди. Ёшуллининг босиб ўтган йўли ўзи бир мактаб. Юрт манфаати, миллат шаъни, деҳқончилик, чорвачилик тақдирини ўйлаб иш тутиш унинг доимо изланишда эканлигидан сезилиб туради. Айниқса, "Кам ва йўқолиш хавфи остида турган ҳайвон ва ўсимликлар турлари" номли "Қизил китоб" нинг 1-жилдини ёзиш жараёни ҳақидаги ҳикояларини тинглашнинг ўзи завқли.

-Омадим келганини қарангки, К.И.Скрябиндек маълум, машҳур гельминтологга шогирд тушганман, - дейди Назар ака қувониб. – 1952 йили Москва ветеринария академиясига аспирантурага ўқишга кириш учун борганимда, шу соҳада озмунча ишлаганимни билган Константин Иванович менинг ана шу ерда ўқишимга рўйхушлик билдирди. Бир муддат ўқидиму соғлиғим тўғри келмай қайтиб келдим. Лекин устоз билан алоқани узмадим, юртимизга ҳар келганида кўришиб, керакли маслаҳатларини олиб турардим. У киши Ўзбекистонда гельминтология соҳасида олиб борилаётган ишлардан кўнгли тўқ эканлигини кўп бор айтарди. Айниқса, Бухоро вилоятида 3 миллион қўйни ценуроз (жигар қурти) касаллигидан сақлаб қолиш борасида кўрган тадбирларимизни бошқаларга ибрат қилиб кўрсатар эди.

Устоз олим Назар Матчонов ҳақида, унинг кўп йиллик босиб ўтган ҳаёт йўли, юртимиз ветеринария соҳасига қўшган ҳиссаси ҳақида соатлаб гапирса арзийди. Маълум ва машҳур Константин Скрябинга шогирд эканлигидан Назар ака қанчалар ғурурланиб юрса, унинг шогирдлари ҳам ўз устозлари ҳақида доимо илиқ гапларни айтиб, унга шогирд эканликларидан фахрланиб юришади.

-Давлат ветеринария Бош бошқармаси ва Республика экспедициясида фаолият кўрсатиб, юртимиз равнақи учун меҳнат қилаётган раҳбардан тортиб, оддий ходимгача ҳар бири Назар Матчонов ҳаёт йўлини ўзларига ибрат билиб, доимо изланишда бўлишади. Бир ишга киришса, охиригача рисоладагидек қилиб бажариш одати уларга Назар акадан юққан, - дейди домланинг шогирдларидан бири Шавкат Маматов.

Қутлуғ саксон ёшини нишонлаётган устозга сиҳат-саломатлик, умрбоқийлик ва мамлакатимиз равнақи йўлида қилаётган ҳар бир ишида доимо муваффақият тилаб қоламиз.

**Б.ЗАРИПОВ,**
**профессор,**
**С.УМИРОВ,**
**ёзувчи.**

# ЧЎЛ ЖИЛОСИ

(Боши 1-бетда)

- Бундан ўн йил муқаддам хўжаликка "Нурота" наслчилик хўжалигидан олтинранг қўчқорлар олиб келинди, - дейди Шалабаев, - бизнинг ширкатда қўйлар кумуш сур рангли эди.

Туғилган ёш қўзилар синфи, ранги, тукига қараб ажратилди. Кейинчалик қўйлар ҳам олтинранг тусда бўлди.

-Хўжалигимиздан Қорақалпоғистон Республикаси, Сурхондарё вилояти хўжаликларига тусоқ қўйлар сотилди, - дейди суҳбатдошим.

- Ҳозир бизнинг бргадада 3200 бош қўчқор бор. Шулардан 420 боши наслли қўчқорлар. Яна минг боши "топ-топ"чи, 1200 бош эркак қўзи бор. Улар апрел ойида рангига, тана тузилишига қараб ажратилади. Булардан энг яхшилари насликка, бир қисми изловчи ва қолгани гўштга топширилади.

Наслчилик ишларида катта тажриба соҳиби бўлган Шалабаев қўчқорлар боқувидаги нозик ҳислатларни айтишни хаёлидан кўтармади.

-Биласизми, қўчқор ғоят нозик саналади.

-Нима учун?

- Бу жонзот орикласа, битлайди, қаттиқ совуқда дарров ўзини олдиради. Бўғоз қўй отарига қўшилган бўлса, уни сузиб қорнидаги боласини туширади.

У бироз ўйга толди ва яна сўзини давом эттирди:

- Шундай шароитда ем-хашак доимо чош бўлиши керак. Бунинг эса ўзи бўлмайди. Ёз ва қиш чилласида сурув сувдан қолмасин экан...

-Нега?

-Ёзда сувдан қолган молнинг ўпкасини иссиқ олади, - деди Шалабаев қўчқор суруви орқасидан бир-бир қадам босиб бораркан бу жониворнинг яна бир нозик томони бор.

-Хўш, хўш?

- Қўчқор ва қоракўл қўйлари баҳорги ва кузги жун қирқимидан сўнг препаратлар билан кубкада ювилади. Ёзги кубка кана ва қуртни, кузги кубка битни йўқотишда фойда қилади.

Биз Конимех туманидаги Абай номли наслчилик ширкати сарҳадларини кезиб юрганимизда Шалабаев, Бойзоқ Раҳметов ва Умрзоқ Раҳметов билан учраштирди.

-Бу икки инсон, - деди у, - кўп йиллардан бери қўчқор боқиб ўз ишининг ҳадисининг олган.

Бу чўпонлар ҳар бир қўчқорнинг туси ва рангини, характерини ёддан айтиб беради.

Улар ўз ишининг ҳадисини олганлигига чўлга келиб учрашганингизда аниқ гувоҳи бўласиз.Аслида Нодир Шалабаев фанда янгилик яратгани йўқ. Лекин у ўз ишининг билимдони.

**Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти"**
**мухбири.**



**Жиззахликлар Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор Омон Абдуллаевни яхши билишади. У бир неча йилдирки, Дўстлик тумани "Оқ олтин" агромарказидаги "Машъал" фермер хўжалигига етакчилик қилиб келмоқда. Ўтган йили буғдой ва пахта етиштириш режалари ортиғи билан адо этилди. Ана шу анъанани давом эттириш ниятида фермер бу йил 16 гектар ерга буғдой экди, 20 гектар ер эса пахта экиш учун ҳозирлаб қўйилди.**
**СУРАТДА: Омон Абдуллаев.**

Нурмамат АЛМУРОДОВ олган сурат.

# ЕТТИ ИҚЛИМДАН БИР ШИНГИЛ

## ВАШИНГТОН МУЗОКАРАЛАРГА ТАЙЁР

***Жанубий Корея пойтахти Сеулда Шимолий Кореянинг ядро дастури бўйича музокаралар олиб борган АҚШ вакили Жеймс Келлининг айтишича, Вашингтон Пхеньян билан бу борада музокаралар ўтказишга тайёрлигини маълум қилган.***



Айни вақтда Қўшма Штатлар Пхеньянга таъсир ўтказиш учун барча дипломатик воситаларини ишга солган бўлиб, Келлидан сўнг ушбу масала бўйича Сеулга АҚШ давлат котибининг ўринбосари Жон Болтон келиши кутилмоқда. Ўтган ҳафта Шимолий Корея ядро қуролини тарқатмаслик борасидаги шартномадан чиқишини эълон қилганидан сўнг жаҳон ҳамжамияти бу ҳақда жиддий ташвишга тушди.

## ТЕКШИРУВ МУДДАТИ УЗАЙТИРИЛАДИМИ?

***CNN агентлигининг хабар беришича, Ироқда текширув ишларини кўнгилдагидек бажариш учун бир йил керак бўлади. Бу ҳақда атом энергетикаси бўйича халқаро ташкилоти вакили Марк Гвоздецки маълум қилган.***



Унинг фикрича, Ироқ катта ҳududдан иборат мамлакат. Шу боис, инспекторлар кўплаб объектларни кўздан кечиришлари керак. Шунингдек, бир жойга бир марта бориш ҳам аниқ натижа бермаслиги мумкин. Мазкур ташкилот раҳбари Ал-Барадейнинг билдиришича, Бағдоднинг ўз кучи билан ядровий қурол ишлаб чиқаришига ҳали эрта. Гарчи яширин тарзда ядро қуроли учун зарур бўладиган материалларга эга бўлган тақдирда ҳам.

## НАМОЙИШЧИЛАРГА ҚАРШИ ГАЗДАН ФОЙДАЛАНИЛДИ

***Венесуэла пойтахти Каракас шаҳрида бўлиб ўтган намойишларни бостириш учун полиция хизмати кўзни ёшлантирувчи газдан фойдаланди.***



Пойтахтдаги ҳарбий комплекслардан бирининг ёнида бўлиб ўтган намойишларда иштирокчиларга тўсиқ сифатида миллий гвардия аскарлари жалб этилди. Венесуэлада 42 кундан буён давом этаётган норозилик ҳаракатлари сабабли бугун мамлакатда нефт ишлаб чиқариш деярли тўхтаб қолган. Президент Уго Чавеснинг айтишича, намойишчилар орқасида турган кимсалар демократик сайлов йўли билан ҳокимият тепасига келган давлат раҳбарини олиб ташлаш учун ҳаракат қилмоқдалар. Айни вақтда Венесуэла нефт экспорти бўйича дунёда бешинчи ўринда туради.

## МОСКВАДА ПОРТЛАШ

***"Новости" ахборот агентлигининг хабар беришича, Москванинг шарқий қисмида жойлашган талабалар ётоқхонасида юз берган портлаш 2 кишининг ўлимига ва 9 кишининг жароҳат олишига сабаб бўлди.***



Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг билдиришича, И.М.Сеченов номли Москва тиббиёт академияси ётоқхонасининг биринчи қаватида жойлашган кафе-барда юз берган портлашнинг сабаблари ҳозирча аниқ эмас. Айни вақтда воқеа содир бўлган жойда махсус гуруҳ текширув ишларини олиб бормоқда.

## ГУМОНДОР УШЛАНДИ

***Покистонда "Ал-Қоида" ташкилотига алоқадорликда гумон этилиб, Австралия фуқароси ҳибсга олинди.***



Австралия бош прокурори Дэрил Уильямснинг айтишича, Австралия разведка хизмати ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан бир йилдан буён қидирилаётган бу шахс Карачи шаҳрида ушланган. Тахминларга кўра, у 2001 йилнинг ўрталарида "Ал-Қоида" лагерларининг бирида тайёргарликдан ўтган. Шунингдек, Австралия ташқи ишлар вазирлигининг маълум қилишича, гумондорнинг оила аъзоларига бу ҳақда хабар берилган.

## ҒАЗО СЕКТОРИДА ҲАРБИЙ АМАЛИЁТЛАР

***Исроил қўшинлари Женин шаҳрига бостириб кириб, навбатдаги операцияни ўтказдилар.***



"WAFA" фаластин ахборот агентлигининг маълум қилишича, исроилликлар бундан ташқари Ғазо секторининг шимолий қисмида жойлашган Бейт-Хонун шаҳрида ҳам ҳарбий ҳаракатлар олиб борганлар. Юз берган тўқнашувларда "ХАМАС" ташкилоти жангарилари ҳам иштирок этган бўлиб, ҳар икки томондан ҳам талофотлар берилган.

**"ИНТЕРНЕТ" тармоғидан олинди.**

# "ФАЙЗЛИ БАҒДОД" ОҲАНРАБОСИ

(Боши 1-бетда)

Тез орада унинг кичик корхонаси равнақ топиб, кўп тармоқли "Аброр" хусусий ишлаб чиқариш фирмасига айлантирилди. У ўз фирмасида тайёрлаган турли маҳсулотлари билан республикамизда ўтказилаётган тадбиркорлар ва товар ишлаб чиқарувчиларнинг "Ташаббус" танловида муваффақиятли қатнашиб, 1997-98 йилларда кетма-кет вилоят ҳамда республика ғолиблари сафидан жой олди. 1999 йилда мебел тайёрлашга ихтисослаштирилган цехини Бағдод марказидаги беркилиб кетган собиқ мебел фабрикасига кўчириб келиб, яна бу ердаги ишларни йўлга қўя бошлаганди. Шунинг учун айнан у "Файзли Бағдод"га раҳбарликка тайинланганди.

Дастлаб, Германиядан 2 та янги "Optimal F-13" маркали фрезерлаш аппаратларини олиб келишга эришилди. Сўнг аҳоли ва мижозлар талаби ўрганилиб, улар асосида сифатли ва арзон мебеллар ишлаб чиқаришга киришилди. Янги ишлаб чиқарилган мебеллар орасида мактаб ва боғчаларга мўлжаллангани ҳам бор эди. Бу орада корхона айни мана шу маҳсулотлари учун замонавий ўқув жиҳозлари тайёрлаб бериш юзасидан Фарғонада ўтказилган тендерда иштирок этиб, 15 жамоа ўртасида ғолибликни қўлга киритди.

Тендерда ғолиб топилган корхона билан вилоят халқ таълими бошқармасининг ўзи жорий йилга мактаб парталари, стол-стуллар ва доскалар ҳамда боғча мебеллари учун 450 миллион сўмга буюртма бериб, шартнома тузибди. Шунингдек, Андижон, наманганлик маорифчилар билан ҳам бу борада битим тузиляпти.

Корхонада юз нафар ишчи ўрни яратилди. Бундан ташқари, иш ҳажми кўпайганда, шартнома асосида ҳам ишчилар ишга олинади. Уларга эса ишбай усулда ҳақ тўланиб, ҳар бир ишчи ўртача 45-50 минг сўмдан маош олмоқда.

Айни кунларда Бағдоддаги 3 та цехда ишлар конвейер усулида йўлга қўйилган бўлиб, 40 хилга яқин замонавий мебеллар тайёрланмоқда. Корхона раҳбари Муҳаммаджон Деҳқоновнинг қилаётган хайрия ишлари ҳам талайгина. У "Аброр" кичик корхонасининг соф даромадидан 14-мактабда янги корпус қурилишини олиб бораяпти. Шунингдек, 15 нафар ҳамқишлоқ отахон-онахонларга "Чимён" ва "Иссиқсув" сиҳатгоҳларига йўлланмалар олиб берди.

Қишлоқдаги 50 дан зиёд кам таъминланган оилаларга, ёлғиз қарияларга ҳар анъанавий байрамларда моддий ёрдам бериш одатга айланган.

Корхонада Абдужаббор Жўраев, Собиржон Оқилов, Одилжон Рустамов, Маъмуржон Жўраев, Ҳошим Бойбобоев, Холмат Мирзаматов каби қўли гул усталар фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

-Келгусида мебел корхонамизда сомондан ДСП чиқаришни режалаштиряпмиз. Жорий йилда бу орзумиз ҳам амалга ошиб қолар, - дейди корхона раҳбари.

Келажакда «Файзли Бағдод» Бағдод довруғини Ватанимизнинг турли ҳудудларигача эмас, чет элларга ҳам тарқатса, не ажаб?!

**Мухтор СУЛАЙМОНОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти"нинг**
**жамоатчи мухбири.**

# "ФЕРМЕРНИНГ ҚАМЧИСИ ЎЗИ БИЛАН"

**ИНТИЛИШ**

***Боёвутлик фермерлар ўзлари ҳақида ажойиб бир ибора тўқишибди. Катта бир йиғинда айтилган бу қанотли сўз оғиздан-оғизга ўтиб, фермерларнинг шиорига айланибди. "Фермернинг қамчиси ўзи билан".***

Бу ибораниг жайдари маъноси шуки, фермерга ҳеч қандай буйруқ, топшириқ керак эмас. У ўз ишини билиб қилади. Отини ниқтамаса, ғалвир сувдан кўтарилган пайтда юзи шувут бўлиб қолади.

"Барака-2" фермер хўжалигининг раҳбари Бўрибой Сафаров ҳам ўз ишини билиб қиладиган деҳқонлар сирасига киради. Фермерлик фаолиятини бошлаганига етти йил тўлган бўлса, бирор йил ер чизиб қолганини эсломайди. Мана бу рақамларга эътибор беринг-а! Етти йил мобайнида фермер биринчи теримнинг ўзидаёқ давлат буюртмасини дўндириб қўйди. Ҳосилдорлик 40-50 центнерни ташкил этаяпти. 1997-1998 йилларда рекорд ҳосил етиштирилди – 52 центнер.

Ўтган йил якунларига кўра фермер хўжалиги 2 миллион сўм соф фойда билан чиқди. 2002 йил буғдойнинг ўзидан 1 миллион сўмдан зиёд соф фойда олинди. Даромад йилдан-йилга ошиб бораяпти.

Бўрибой Сафаров деҳқончиликни чорвачилик билан қўшиб олиб боради. Хўжаликда 60 бош қорамол, 50 бош қўй бор. 2002 йилда аҳоли дастурхонига 3 тонна сут, 4 тонна гўшт етказиб берилди.

"Барака-2" фермер хўжалигининг мўъжазгина машина-трактор паркида "ДТ-75", "Т-28", "МТЗ-80", "ЮМЗ-6" тракторлари, "Нива" комбайни бор. Мана шу техника воситаларига мос тиркама механизмлар мавжуд.

Бўрибой ака болалигида йўқчиликни ҳам, тўқчиликни ҳам кўрган. Зоғорa нонга зор бўлган дамлари кўп бўлган. Толеида бор экан, ёруғ кунларга етиб келди. Бунинг учун яратганга беадад шукрлар айтади. Истиқлолдан кейин у ҳақиқий мулк соҳибига айланди. Мустақилликнинг ўн бир йиллик тўйи муносабати билан "Шуҳрат" медали совриндори бўлди.

Ҳамроҳим товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасининг туман бўлими раиси Эгамберди Набиев бир яхши гапни айтди. "Боёвутда "Барака" номини олган учта фермер хўжалиги бор. Булар орасида Бўрибой Сафаров бош бўлган "Барака-2" фермер хўжалиги энг баракали хўжаликдир".

**Мамадали АҲМЕДОВ,**
**Сирдарё вилояти.**

# ҲАМКОРЛИК

***Гулистон Бизнес инкубатори эндигина фаолият бошлаган ишбилармонларни икки йилгача муассасада жой ва бошқа зарур жиҳозлар билан таъминлайди.***

- Муассасамиз янги бинога кўчиб ўтгандан сўнг имкониятларимизни қайта кўриб чиқдик, - деди Бизнес-инкубатор директори Қурбонбой Асалов "Туркистон-пресс" мухбирига. - Биз бу ишларни аввалроқ амалга ошириш фикрида эдик. Лекин алоҳида биномиз йўқлиги учун бу имкониятга эга эмасдик. Янги бинога кўчиб чиққач республика Бизнес-инкубатори ёрдамида иш бошлаётган тадбиркорларни икки йилгача жой билан таъминлаш, уларнинг ҳуқуқий ва иқтисодий билимларини ошириш, бизнес-режа тузиш, чет эл инвесторлари билан ҳамкорлигини йўлга қўйиш масалаларида ёрдам кўрсата бошладик. Яратилган қулайлик тадбиркорларимиз фаолияти самарадорлигининг ошишига хизмат қилади, деган умиддамиз.

Қ. Асаловнинг таъкидлашича, бизнес-инкубаторда ўтган йили республикада биринчи бўлиб тадбиркорлар учун технологиялар билан савдо қилувчи марказ иш бошлади. Марказда тадбиркорларга кўпгина қулайликлар яратилган бўлиб, сотилаётган технологиялар учун устама нарх қўйилмайди. Қолаверса, тадбиркорлар ўзлари учун зарур технологияларни қидириб сарсон бўлишларига ҳам ҳожат қолмади.

Шунингдек, ўтган йили Бизнес-инкубторда 350 нафар тадбиркор бухгалтерия ҳисобини юритиш ва компютерда ишлаш сирларини ўрганишди. 40 нафар ишсиз фуқаро "Шахсий бизнесда муваффақият қозониш йўллари" курсида ўқиб, тадбиркорлик ишларини бошлаб юборишди.

**"Туркистон-пресс"**

# «ОҚ ОЛТИН»

ТЕЛЕВИЗИОН ПУЛ-БУЮМ ЛОТТОСИНИНГ
12 ЯНВАРДАГИ 59-ТИРАЖИ ҚИСҚА ЖАДВАЛИ

**1 Тур - 90, 74, 47, 79, 86, 69, 75, 82, 33 250000 сўмлик тилла буюмлар сони: 3 чипта рақамлари: 29119 , 73154 , 90043**
**2 Тур - 23, 55, 64, 83, 39, 6, 35, 19, 29, 9 500000 сўмлик тилла буюмлар сони: 1 чипта рақами: 45527**
**3 Тур - 45, 2, 43, 85, 25, 48, 76, 63, 18, 70, 12, 5, 53 750000 сўмлик тилла буюмлар сони: 1 чипта рақами: 27092**
**4 Тур - 32, 21, 67, 11, 17, 60, 31, 68, 58, 71, 8 1000000 сўмлик тилла буюмлар сони: 1 чипта рақами: 67414**
**5 Тур - 62, 54, 3, 13, 80, 4, 37, 44 2 000 000 сўмлик тилла буюмлар сони: 1 чипта рақами: 25334**
**6 Тур - 42, 14, 56, 27, 72 "NEXIA" автомобили сони: 1 чипта рақами: 32886**
**7 Тур - 77, 61, 24, 1, 22, 41, 65, 26, 34, 16, 38, 50 5000 сўм сони: 1**

| | | |
|---|---|---|
| 8 Тур - 73 | 4000 сўм | сони: 1 |
| 9 Тур - 49, 78 | 2000 сўм | сони: 3 |
| 10 Тур - 51 | 1000 сўм | сони: 15 |
| 11 Тур - 36 | 950 сўм | сони: 10 |
| 12 Тур - 87 | 900 сўм | сони: 20 |
| 13 Тур - 52 | 850 сўм | сони: 32 |
| 14 Тур - 84 | 800 сўм | сони: 31 |
| 15 Тур - 10 | 750 сўм | сони: 89 |
| 16 Тур - 46 | 700 сўм | сони: 37 |
| 17 Тур - 28 | 650 сўм | сони: 88 |
| 18 Тур - 88 | 600 сўм | сони: 117 |
| 19 Тур - 30 | 550 сўм | сони: 263 |
| 20 Тур - 57 | 500 сўм | сони: 272 |
| 21 Тур - 7 | 450 сўм | сони: 569 |
| 22 Тур - 66 | 400 сўм | сони: 583 |
| 23 Тур - 20 | 350 сўм | сони: 1613 |
| 24 Тур - 89 | 300 сўм | сони: 2155 |

Халтадан чиқмаган шарлар: 15, 40, 59, 81

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2003 йил 14 январдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:**

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 554,49 | 1 Польша злотийси | 250,86 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 1549,59 | 1 СДР | 1298,69 |
| 1 Дания кронаси | 135,95 | 1000 Туркия лираси | 0,58 |
| 1 БАА дирҳами | 261,42 | 1 Швейцария франки | 693,25 |
| 1 АҚШ доллари | 960,15 | 1 ЕВРО | 1009,31 |
| 1 Миср фунти | 209,64 | 10 Жанубий Корея вони | 8,14 |
| 1 Исландия кронаси | 11,90 | 10 Япония иенаси | 80,73 |
| 1 Канада доллари | 615,48 | 1 Россия рубли | 30,11 |
| 1 Хитой юани | 116,01 | 1 Украина гривнаси | 180,06 |
| 1 Малайзия ринггити | 252,70 | | |

***/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

# ГУЛБИБИ

(Боши 1-бетда)

-Гулзорга аёл қараши керак, - деди у Солиҳа опага. -Гул аёлдан ийманмайди. Унга бағрини очади. Аёл ҳам гулда.

Солиҳа опа эрига фикрдош бўлди. Эрта баҳорда томорқаларидаги 5-6 сотих жойини гулзор қилишга ажратишди. Сараланган гул уруғлари экилди, қаламчалар билан кўпайтирилганлари ҳам бўлди. Қишда озгина харажат бўлсада, иссиқхона ҳам қурилди. Тез орада барқ урган жаннатга айланди Юнус аканинг ҳовлиси. Солиҳа опа гулчиликка сидқидилдан берилиб кетди.

Гулзор оралаб, гул саралаб гоҳ-гоҳ безовта қилиб турадиган соғлиғи ҳам жойига тушиб кетди. Дарвоза тақиллатиб гул сўраб келадиганларнинг кети узилмай қолди. Айниқса тўй мавсумлари Солиҳа опанинг гул савдоси янада авж олди. Опанинг гуллари бозорга ҳам чиқди.

Юнус ака билан Солиҳа опа бирор тўй-маъракага борса, ширинликлар бозорига саргашта бўлиб юрмайдилар. Опа тўрт дона атиргулни чиройли дасталаб чиқади. Маросимларда Солиҳа опанинг совғаси ҳамманикидан ошиб тушади. Ҳафталаб уй тўрини безайди бу совға. Шунинг учун ҳам Шофиркон туманидаги "Маҳаллапоён" қишлоғи аҳли Солиҳа опани эъзозлаб "Гулбиби опа" дейдилар. Бундан опанинг ўзи ҳам яйраб кетади. Юнус аканинг машинасига ўтирсангиз, салондан гул ҳиди келади. Қачон қараманг 2 дона янги узилган чиннигул баҳри-дилингизни очиб туради.

- Бировлар чет эл атирларини бурқситиб юришади, - дейди Юнус ака. - Гулга етари йўқ, дўстим. Иложи бўлса гулсевар бўлинг. Гул исидан аълоси йўқ. Опангизни "Гулбиби" деганларича бор. Қиш фаслида ҳам гулхонадан чиқмайди. Ардоқлаб парваришлайди, фарзандидек авайлайди. Даромадига ишим йўқ. Рўзғоримда ҳамма нарса етарли. Гулнинг пулини гулдек ишларга сарфлашга аёл киши эркаклардан кўра уқувлироқ бўлади. Иссиқхонага бегонани киритмайди. Гул нозик нарса бўлганлиги учун ирим қилади. Гул дасталаш ҳам санъат, опангиз бу ҳунарни ҳам қойиллатади. Худди қиз чиқаргандек бўламан дейди, у. Қисқаси, одамлар топиб қўйишган. Янгангиз - ҳақиқий Гулбиби!

Янга бу менинг шарофатимдан, дегандек нигоҳ ташлайди. Шу пайт келин Нилуфархон гулқайчи сўраб келди. Солиҳа опа ўзим чиқаман, дея иссиқхона томонга йўналди. Аниқки, кимдир гул харид қилгани келган.

Яқинда Шофиркон тумани деҳқон бозорини айланиб юриб гул растасига ўтиб қолибман. Гулнинг файзи-таровати қиш фаслида ўзгачароқ кўринар экан. Рости, фасл эсимдан чиққандек бўлди шу чоғ. Чиройли боғичланган гуллар орасида қадди-басти аранг кўриниб турган истараси иссиқ қиз диққатимни тортди.

-Солиҳа опанинг қизи эмасмисан? - дея сўрадим ундан.

-Гулбиби опанинг, - деди у кулимсираб. Демак, таниди. Отасини, онасини сўрадим.

-Яхши юрибдилар, - деди у шаддодлик билан. - Онам саралаб, боғичлаб берадилар, мен сотаман, холос, - деди у.

-Қайси гулга харидор кўп.

-Атиргулга.

-Кўпроқ кимлар гул харид қилишади?

-Ёшлар. Айниқса, келин-куёвлар гулсиз айланишмайди.

-Ҳар куни ўртача қанча савдо қиласан?

-15-20 минг сўм.

-Чакки эмас-ку.

-Заҳматига яраша-да

Дилфуза билан қуюқ хайрлашдим. У қўлимга гул тутқазди. Рости, олмадим. Гулбиби опанинг ўзини кўргандек бўлдим. Юнус аканинг шўх-хандон чеҳраси кўз олдимдан ўтди. Гулчиликка иккинчи авлод фарзандлар ҳам меҳр қўйганидан қувондим.

Гулбиби опанинг доврўғида, бу ҳам!

**Дилмурод ЖАББОРОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

# ИШТИХОНМИ ЁКИ ИХШИДХОН?

**МОЗИЙ**

***Иштихонда 1979–80 йилларда Ўзбекистон Фанлар Академияси Археология институти қошидаги Афросиёб археология экспедицияси томонидан академик Т.В. Шушкин бошчилигида қазиш ишлари олиб борилди.***

Бу ерда милоддан аввалги V-IV асрларга оид цилиндрсимон сопол идиш бўлаги топилди. Бундай идишлар Самарқанднинг Афросиёб шаҳристонининг қуйи қисмидан ҳам топилганди. Шунга кўра, Самарқанднинг ёши 2500 йил, деб белгиланганди. Иштихон атрофидан бундай кўҳна буюмлар топилганлиги вилоят миқёсида иккинчи ҳодиса бўлиб, Иштихоннинг Самарқанд билан тенгдош эканлигини кўрсатмоқда.

Иштихон яқинидаги Ҳовузтепа вайроналарини қазиш пайтида иккита ноёб ҳайкалча топилди. Қўғирчоқларнинг бирида чиройли аёл тасвирланган. Унинг сочи турмакланган. Манглайидаги тиллақош беш дона қимматбаҳо тошлар билан зийнатланган. Безакнинг тагига қистирилган "кийгич" юпқа бош кийими аёлнинг елкаларини ёпиб турибди. Бўйнига ўралган "лачак" рўмолига ҳам беш дона қимматбаҳо тош қадалган. Бўйнидаги маржоннинг икки томонига ҳам бештадан безак қадалган. Аёл ўнг қўлини кўксига, чап қўлини сал пастроққа қўйиб, худди таъзим қилиб тургандек. Сопол ҳайкалчанинг бўйи 13 сантиметрлар, хумдонда пиширилган ва устига қизил ранг билан бўялган. Хуллас, бундай ҳайкалчаларнинг Иштихон атрофидаги тепаликлардан кўплаб топилиши бу ерда қадимдан Будда дини ҳукмрон бўлганлигидан далолат беради.

Иштихон республикамизнинг энг қадимги шаҳарларидан бири бўлиб, Буюк ипак йўли устида жойлашгандир. Дастлаб мустақил ҳокимликнинг маркази бўлган, кейинчалик Суғдиёна таркибига кирган. Самарқанд араблар томонидан босиб олингач, Суғд ихшидлари бу ерга келиб, уни пойтахт қилганлар ва шу ердан босқинчиларга қарши кураш олиб борганлар. Шунинг учун бу ерда дастлаб "Ишхидон" (ихшидлар), ёхуд "Ишхидхон" деб аталган бўлиши мумкин. "Иштихон" сўзи "Ихшидхон" сўзининг бузилган шаклидир.

1904 йилда машҳур академиклар В. Бартольд ва В. Вяткинлар томонидан Афросиёбда олиб борилган қазиш пайтида қандайдир катта бино қолдиқлари чиққан бўлиб, ундаги гулли ғишт парчаларида "Иштихон" деган ёзув бўлган.

Ҳозир бу ғиштлар Иштихон музейида сақланмоқда. Бу жой қадимги манбаларда "Аштхон" эмас, "Иштихон" деб юритилганлигидан далолат беради.

**Зайниддин БАХРИДДИНОВ,**
**Хонбиби МАҲАМОВА.**

# ҒУНЧАДАН ТАРАЛАЁТГАН ТУТУН

**ТУРМУШ ЧОРРАҲАЛАРИДА**

***Ҳар бир одамнинг бахти ўз қўлида. Лекин негадир Нозима бу ҳақда ўйлашни ҳам истамайди. Синглиси Сайёра ана шунисига куяди. Бугун ҳам аҳвол ҳар кунгидек. Опаси эшикдан кириб келиши билан Сайёра уни сўроққа тута кетди.***

-Хўш, бугун қаерларда эдинг? Яна ўша ўртоқларинг билан юрувдингми? Гапир опа, қачонгача давом этади бунақа юриш? Чекишни бошлаганингга бир ярим йил бўлди, ҳалигача ақлинг кирмади-кирмади. Опажон, гапларимни қулоғингга олсанг-чи! Сигаретаси ҳам қуриб кетсин!

-Сайёра, қўйсанг-чи, ғиди-пидингни. Уйда ким бор?

-Ҳозирча ҳеч ким, ойим-дадам ишдан қайтиш вақтлари ҳам бўлиб қолди, кеп қолишса керак. Опа, ўзингни ўйласанг-чи? Ойим билан дадам эшитсалар яхши бўлмайди.

-Эй, всё, молчи. Как хочу, так и живу. Тағин уларга чақиб юрмагин-а, мени уйда кўрмайдиган бўласан. Овқат тайёрми?

Ҳикоя қилаётганим – Нозима мана анчадан буён коллеждаги ўртоқлари билан барма-бар, кафема-кафе юришни, сигарета чекишни одат қилган. Эндигина 19 ёшга кирган қизнинг ҳаётга енгил-елпи қараётгани синглиси Сайёрани бефарқ қолдирмайди, албатта. Бу вақт ичида жуда кўп марта унинг чўнтагидан сигарета топиб олди. Аммо Нозимага ўртоқларининг таъсири кучлилик қилди.

Бир кун кечқурун улар яна шу масала устида тортишиб қолганда, онаси Нодира опа келиб қолди. Сайёра онасига узоқ қараб турди-да, йиғлаб хонасига чиқиб кетди. Она бечоранинг кўзида эса ёш қалқиди, тили калимага келмай қолди. Нозима беихтиёр бошини эгди...

Бу каби воқеалар кундалик ҳаётимизда тез-тез учраб турибди. Баъзи ота-оналар фарзандларини рисоладагидек ўқишга қатнаб юрибди, деб ўйлашади. Ваҳоланки, ўқиш улар учун бир баҳона, холос. Аслида ҳар бир ота-она фарзандининг камолини кўришни хоҳлайди. Фарзандлар-чи, улар ҳам ота-оналарининг эзгу умидлари амалга ошиши учун масъул эмасмилар?

Нозима каби қизларнинг ҳаётига ачиниб кетаман. Кўча-куйда тутун бурқситиб кетаётган тенгдош қизни кўриб, кулишни-да, куйишни-да билмай қоламан. Қолаверса, ўзбек қизларининг сигарета чекишлари жудаям хунук ҳол.

Энди бир муддат мулоҳаза юритиб кўринг: биз кимларнинг авлоди эдик. Ҳанузгача номларини ҳар бир авлод меҳр, фахр билан тилга оладиган Тўмарис, Бибихоним, Нодира, Зебунисо, Увайсийлар наҳот бизнинг "замонавий" қизларимиз учун ўрнак бўлмаса! Кийиниш маданиятини-ку қўя турайлик, ичиш-чекиш борасида ҳам европа қизларига ҳавас билан тақлид қиладилар.

Қулоғимизга қизларнинг дискатекаю, кечки клублардаги "ташрифи" тез-тез чалиниб туради. Бироқ уларнинг енгил-елпи ҳаётга бу қадар берилиб кетишлари келгусидаги ҳаёти учун қора кўланкасини ташламасмикин?!

Ҳар бир қиз келажакда бахтли хонадоннинг бахтли бекаси, соғлом ва дуркун ўғил-қизларнинг меҳрибон волидаси бўлишни орзу қилади. Аммо енгилтакликка муккасидан кетган бундай қизлардан келажакда нима кутиш мумкин?!

**Мунаввар РАҲМОНОВА**



**САЛОМАТЛИК - ТУМАН БОЙЛИК**

**Усмон Юсупов тумани "Жейнов" ширкат хўжалиги ҳудудидаги 2-сонли касалхона туғруқхона бўлими бошлиғи Сурайё Сафарова бошчилигидаги тиббиёт ходимлари иш самарадорлигини ошириш борасида кўзга кўринарли ишларни олиб бормоқда.**

**СУРАТДА: шифокор Сурайё Сафарова ҳамкасблари билан суҳбатда.**

**Б.АКРАМОВ олган сурат.**

# СПОРТ ОЛАМИДА

## ГЕЙНРИХ – ЦСКАДА

***"Пахтакор" ҳамда Ўзбекистон ёшлар терма жамоасининг иқтидорли ҳужумчиси, 2002 йилнинг "Энг яхши футболчиси" Александр Гейнрих хорижлик мутахассислар эътиборини қозонди.***



Россияда чоп этиладиган "Спорт-экспресс" газетаси хабарига кўра, у жорий йилги мавсумни Москванинг ЦСКА жамоаси таркибида бошлайди. Ўтган йилги Россия биринчилиги кумуш медали совриндори бўлган ЦСКА жамоасининг бош мураббийси Валерий Газзаевнинг спорт журналистларига берган интервьюсида Гейнрихнинг жамоа сафига 1 январдан эътиборан қўшилганлиги маълум қилинган.

## ЁШ МОТОПОЙГАЧИЛАР БАҲСИ

***Юнусобод туманида 11-16 ёшли ўсмирлар ўртасида уюштирилган мотопойга бўйича учинчи анъанавий турнир олмаликқликларга омад келтирди.***

45, 125, 500 километр масофалар бўйлаб ўтказилган баҳсларда Тошкент шаҳри ва бошқа вилоятлардан ташриф буюрган мотопойга жамоалари орасида биринчи ўринни Олмалиқ кон-металлургия комбинати спортчилари эгаллашди. Якка тартибдаги баҳсларда эса иқтидорли ёш спортчи Игорь Сичовга тенг келадигани топилмади.

## ХАЙРЛИ ТАШАББУС

***Наманган вилоятининг Косонсой туманида чоп этилаётган "Интер-футбол" газетаси таҳририяти хайрли ишга қўл урди. Таҳририят ташаббуси билан Косонсой туман корхона-ташкилотлари жамоалари ўртасида мини-футбол турнири ўтказилди.***

Ғолиблик учун ўзаро курашган 8 жамоа орасидан финалга туман солиқ инспекциясининг "Солиқчи" ва "Садача" маҳаллалари жамоалари йўлланма олишди. Қизғин ва муросасиз кечган баҳсларда рақиблари дарвозасини 7 маротаба ишғол этиб, ўз дарвозаларидан икки тўп ўтказиб юборган "Солиқчи" жамоаси турнир ғолиблигини қўлга киритди. Мусобақа якунида ғолиб ва совриндорларга эсдалик совғалари топширилди.

## "УМИД НИҲОЛЛАРИ"НИНГ УЧИНЧИ БОСҚИЧИ

***Мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилаётган "Умид ниҳоллари" спорт мусобақаларининг учинчи босқичи Тошкент шаҳридаги Акмал Икромов тумани жамоасига омад келтирди.***

"Учқун" спорт-соғломлаштириш мажмуасида уюштирилган теннис мусобақасида Акмал Икромов тумани ёшлари биринчи ўринни эгаллаган бўлишса, мини-футбол, волейбол баҳсларида ҳам худди шу туман жамоаси ғолибликни қўлга киритиб, ҳал қилувчи босқичда қатнашиш ҳуқуқини эгаллади. Чилонзор туманидаги 22-махсус болалар ва ўсмирлар спорт мактабида бадиий гимнастика мусобақалари бўлиб ўтди. Аммо чилонзорликлар биринчи ўринни ҳеч кимга беришмади. Миробод туманидаги 12-болалар спорт мактабида ўтказилган сузиш баҳсларида ўғил болалар ўртасида яккасаройликлар, қизлар ўртасида мирободликлар ғолиб бўлишди.

Шунингдек, Фарғона вилоятидаги "Кимёгар" спорт мажмуида ҳам 5-7 синф ўқувчилари жамоалари "Умид ниҳоллари" спорт мусобақаларининг республика босқичига йўлланма олиш учун ўзаро баҳс олиб боришмоқда. Спортнинг 9 тури бўйича ўтаётган ушбу турнирнинг баскетбол, миллий кураш, шоҳмот, мини-футбол учрашувлари қизиқарли ўтаётганлиги билан ишқибозларга завқ бағишламоқда.

**А.ЙЎЛДОШЕВ тайёрлади.**

# "ҚИШ ЭРТАГИ"

**ТУЙҒУ**

***Қор бўралаб ёғарди...***

***Шом... Шаҳар ёруғлик билан зулматнинг орасида талаш бўлаётган бир паллада автобус бекатида хомуш турардим. Юрагим негандир қаттиқ титрар, хаёлим эса узоқ-узоқларда сайр қилиб юрарди. Вужудим талх...***

Қорнинг ёғишини томоша қиламан. Оппоқ доначалар паға-паға бўлиб ёғилади. Иликкина... юмшоқ... Вайрон кўнглимни овутмоқчидек юзимни майингина сийпалайди. Табиат мунғайибгина қолган. Аммо, бу мунг ортида олам-жаҳон шодлик, қаҳқаҳа мужассамдек туюлади менга. Олам-жаҳон шодлик... қаҳқаҳа...

Бир дам не хаёл билан дир ортимга ўгирилдим. Бекат ёнида бир қиз... бир йигит туришарди. Йигитнинг устида... ёдимда йўқ, аммо, аниқ, қизнинг пальтоси кўм-кўк эди... Белларини қучиб олган белбоғи ҳам кўк... Ҳатто кўм-кўк эди тўртта тугмаси... Йигитнинг кўзлари... йўқ, эслолмайман... Қизнинг нигоҳида эса эркалик ва ишқнинг масъум ифодаси жилваланади. Худди дилидаги пинҳоний сирларини ошкор этадигандек... Йигитнинг юзида... эътибор бермабман... Қизнинг мунаввар чеҳрасида эса энг мовий, покиза осмон – муҳаббатнинг гулгун оташи...

Қор ҳамон ёғарди... Кумуш тангачаларини аямай сочарди. Қизнинг тим қора қўнғироқ сочлари укпардек қор остида ажиб ялтиллайди... Узун-узун киприклар... қимтилган лаблар... Бошқишларидаги олам-олам сир... Афсуски, буларнинг ҳеч бири менга аталмаган... Негадир яна ўксинаман. Йигитга қарадим. Имм, у билан неча пуллик ишим бор?! Аммо... аммо анави паривашнинг бутун хаёли унда-ку! Қаранг, қаранг, гоҳ ҳазин ва беозор кулимсираб йигитга мунис тикилади. Гоҳо унинг қўлларини қўлқоп остига яширилган кичкина кафтлари орасига олиб, юзига ишқалайди. Эҳ... Бу мафтункор хилқат азим Тошкентда, йўқ, йўқ, бутун жаҳонда ягона бўлса ажаб эмас... Қалбимда турфа ҳиссиётлар бош кўтаради... Гарчи, телбаёна бўлса-да, унинг олдига боргим, қаршисида тиз чўкиб, пальтосининг қор илашган этакларини кўзларимга суртгим келди... Ошиққа қонун борми?! Йўқ, ошиқ ўз оти билан ошиқда... Бироқ... йигит... Яна унга боқдим... О, йигит, билсанг эди нечоғлик бахтли эканлигингни... Билсанг эди, сенга чексиз ҳавасим келаётганини... Мен қорли бекатда вайрон турган дам, сен ҳаммадан, ҳаммадан... бахтиёр эдинг...

Шом...

Қор ҳамон бўралаб ёғарди...

Укпардек юмшоқ, майин, оппоқ қор...

Покиза муҳаббатнинг тимсоли бўлиб, замин узра оқ қор хомуш ёғарди.

**Ҳасан ТОШХЎЖАЕВ**

# ПУЛНИНГ "СИР"И

**БИЛАСИЗМИ?**

***Тарихда турли буюмлар пул вазифасини бажарган. Масалан, Сибирда мўйна, Европадаги баъзи давлатларда қўй, Хитойда эса чой пул ўрнида ишлатилган.***

Албатта, буларнинг ҳаммаси тарихда қолиб кетди. Инсоният тараққиёти юқори даражага кўтарилавергач, пулнинг ҳам муомаласи учун қулай шакллари пайдо бўла бошлади. Ҳозирга келиб қоғоз пуллар асосий муомала воситасига айланган. Мана шу бир парча қоғоз орқали ўзимиз учун зарур бўлган турли нарсаларни харид қиламиз. Хуллас, пул пайдо бўлибдики, у инсонлар учун беминнат дастёр. Лекин унинг ҳам ўзига хос "сир"и мавжуд. Хўш ўша "сир" нимада экан?

Иқтисодий жиҳатдан пул шундай бир кучга эгаки, у ҳамма маҳсулот ва буюмларнинг қийматини ўлчайди, нархини белгилайди. Уни ҳар қандай маҳсулот билан айрибошлаш мумкин ва зарурий эҳтиёжларимизни қондира олади. Моддий жиҳатдан эса пул бойлик ҳисобланади. Ана шунинг учун у одамларни оҳанрабо каби ўзига тортади. Пулни қанча кўп топсак, уни янада кўпайтириш илинжида бўламиз. Тўғри, у қанча кўп бўлса шунча яхши. Фақат, ҳалол йўл билан топилса, албатта. Шунингдек, пул-жамғариш, тўплаш учун ҳам жуда қулай. Яъни, пул ғоят ихчам, сақланувчан ва ўз қадрини йўқотмайди. Ҳеч бир нарса бу борада унинг ўрнини боса олмайди.

Лекин яна бир гапни эсдан чиқармаслик лозим. "Пул қўлнинг кири"

**Д. УЛУҒМУРОДОВ**


## САНИИРИ „СУҒОРИШ" МУҲАНДИСЛИК МАРКАЗИ

***қуйидагиларни тайёрлайди ва етказиб беради:***

| СУВ САРФИНИ ЎЛЧАШ ВОСИТАЛАРИ: | Ўлчаш чегараси, литр/сек. |
|---|---|
| Томсон водосливи, ВТ-90 | 0,8-45 |
| Чиполетти водосливи, ВЧ-50... ВЧ-150 | 82-1000 |
| Сув ўлчаш насадкалари (айланали, квадрат, тўғрибурчакли) | 50-4400 |
| САНИИРИ сув ўлчаш нови (ВЛС) | 50-250 |
| САНИИРИ сув ўлчаш пороги (ВПС) | 500-1500 |
| САНИИРИ сув ўлчаш приставкаси | 40-3500 |

*Стандарт ва ностандарт текис сув тўғрилаш затвори*

*Гидрометрик кўприк 0,5х1,0 ... 1,0х8,0 м.*

*Тупроқ қазиш пармаси, диаметри 32-60 мм, узунлиги 1,5-3,0 м.*

*Пъезометр, диаметри 40 мм, узунлиги 3,0 м.*

*Барча турдаги электронасосларни таъмирлаш (ЭЦВдан ташқари)*

*250 кВт гача бўлган электродвигателларни таъмирлаш*

*Босмахонага оид барча полиграфия ишларини бажаради.*

*Манзил: Тошкент ш., Қорасув-4 даҳаси, 11-уй.*

*Тел.: 65-14-56, телефакс 65-05-55*



## ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҚОШИДАГИ "ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИ РАҲБАРЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ ВА КАДРЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МАРКАЗИ"

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ЗАХИРАСИГА КИРИТИЛГАН 40 ЁШГАЧА БЎЛГАН КАДРЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШДАН АЖРАЛГАН ҲОЛДА ОЛИЙ, БАКАЛАВР, МАГИСТРАТУРА МАЪЛУМОТЛАРИ БАЗАСИДА ТАНЛОВ АСОСИДА 3 ОЙЛИК ЎҚИШГА ТИНГЛОВЧИЛАР СИФАТИДА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ.**

Марказнинг асосий мақсади қишлоқ хўжалиги раҳбарлари ва мутахассисларининг сифат таркибини мустаҳкамлаш учун иқтисодий, ҳуқуқий ва касбий билимларини ошириш ҳамда ташкилотчилик ва тадбиркорлик қобилиятларини ўстириш, замонавий талабларга жавоб берадиган юқори малакали қишлоқ хўжалиги корхоналари раҳбарларини ва мутахассисларини тайёрлаш.

Марказнинг асосий вазифаси махсус маълумотга ва ташкилотчилик қобилиятига эга бўлган ёш мутахассисларни мунтазам равишда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш йўналишида доимо тайёрлаб бориш.

Тингловчилар Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, вилоятлар қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари, маҳаллий ҳокимлар томонидан захирадаги кадрлар таркибидан танлаб олиниб, уларнинг тавсияларига биноан юборилади ва тест синовларига қўйилади.

Тингловчилар ўқиш даври мобайнида уларнинг иш ўринлари, ўртача ойлик маошлари сақланиб қолган ҳолда хизмат сафари, ётоқхона харажатлари ўқишга юборган хўжалик, ташкилотлар томонидан тўланади.

Ушбу курснинг ўқув режалари ва дастурлари талабларини бажарган ҳамда битирув иши ва тест синовларини муваффақиятли топширган тингловчиларга белгиланган тартибда диплом берилади.

Марказда 3 ойлик курсни муваффақиятли тамомлаган тингловчилар қишлоқ хўжалиги корхоналарининг раҳбар ходимлари лавозимларига тавсия этилишида имтиёзга эга бўладилар.

Ўқув машғулотлари вазирлик, ташкилотлар раҳбарлари, илмий-тадқиқот институтлари ва олий ўқув юртларининг профессор-олимлари ҳамда тажрибали мутахассислари томонидан олиб борилади.

Ишлаб чиқариш амалиёти илғор қишлоқ хўжалиги корхоналарида ҳамда хорижий мамлакатларда ўтказилади.

### ТИНГЛОВЧИЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ҚОИДАЛАРИ

1. Марказга тингловчилар қабул комиссияси томонидан қабул қилинади.
2. Ҳужжатлар Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, вилоятлар қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаларида 1 январдан 10 февралгача қабул қилинади ва қуйидаги ҳужжатлар топширилади:
3. Қабул комиссиясига йўлланма, ариза, олий маълумот тўғрисидаги ҳужжат, сўровнома варақаси, маълумотнома, 86-У тиббий маълумотнома, 6 та рангли фотосурат топширилади.
4. Тингловчиликка номзодлар учун тест синовлари бўйича 11-12 феврал кунлари консультациялар уюштирилади.
5. Ижтимоий, маънавий-маърифий, сиёсий мавзуларда суҳбат ва иқтисодиёт, қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишга оид қабул қилинган қонунлар, қишлоқ хўжалик фанларидан компьютер-тест синовлари 14 февралдан бошлаб ўтказилади.
6. Танлов қабул комиссияси томонидан амалга оширилади, суҳбат ва тест синовлари натижалари рейтинг усулида баҳоланади.
7. Бошқа давлатлар фуқаролари шартнома (контракт) асосида ўқитилади ва уни тузиш шартлари ҳамда ўқиш учун тўлов миқдори Марказ томонидан белгиланади.
8. Ўқиш 2003 йил 17 февралдан қабул қилинган тингловчилар томонидан шартномада кўрсатилган маблағ Марказ ҳисобига ўтказилгандан сўнг ва гуруҳлар шаклланиши билан бошланади.
9. Қўшимча маълумот учун қуйидаги манзил ва телефон рақамлари бўйича мурожаат қилишингиз мумкин:

**Манзил:**

**700140, Ўзбекистон, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Университет кўчаси, 1-уй. Тошкент Давлат Аграр Университети. Янги бош бино**

**Автобуслар: 83, 96, 115, 19, 129**

**Телефонлар: (3712) 63-64-55; 162-52-38**

**факс: 63-96-44**

**E-mail: gulomovss@mail.tps.uz**


Тошкент шаҳар Чилонзор тумани ҳокимлиги томонидан хусусий тадбиркор "Сапаров О.Х."га берилган № 0812052-рақамли патент ва думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Ҳамза тумани ҳокимлиги томонидан Холмирзаева Насиба Мўминовна номига берилган № 0713586-рақамли патент йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани ҳокимлиги томонидан "Бону" масъулияти чекланган жамиятига берилган АИ № 05154-рақамли алкоголли маҳсулотлар ва пиво савдоси билан шуғулланиш ҳуқуқи қайд этилган гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Миробод тумани ҳокимининг 2001 йил 3 январдаги 2-сон қарори билан давлат рўйхатидан ўтказилган, 2002 йил 13 сентябрдаги 1076-сон қарори билан ўзгартириш киритилган, Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан Тўраева Назокат Ҳаитовна номига берилган якка тартибдаги тадбиркорлик билан шуғулланишга рухсат этиш ҳақидаги № 0305368-рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Ер муносабатларини ва кўчмас мулк кадастрини тартибга солиш Бош бошқармаси томонидан 2002 йил 15 майда Мирзо Улуғбек тумани Буюк Ипак йўли кўчаси 59-уйда жойлашган ижара салонига тегишли бўлган, 9-97-2001 давлат рақами билан Абдурашитова (Карабаева) Моҳира Юнусалиевнага берилган 340-сонли кадастр ҳужжати йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкентдаги 33-ҳунар билим юрти томонидан 1988 йил 29 июлда Ҳасанов Рашид Гильмутдинович номига берилган Б №946243 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.


Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Саид АҲМАД, Ағатой АДИЛОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Ғафур ШЕРМУҲАММАД (масъул котиб), Озод ШАРОФИДДИНОВ.

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ: Носир ЮСУПОВ (раис), Азим АЮПОВ, Абдуманнол АҲМАДАЛИЕВ, Абдурашид БОБОМИРЗАЕВ, Ойбек ЁҚУБЖОНОВ, Эркул ЗИКРИЁЕВ, Пўлат КАЗИЕВ, Рафиқ МАТЧОНОВ, Икром НАЖМИДДИНОВ, Шодиқул НИШОНОВ, Қобилжон ТОШМАТОВ, Муҳаммаджон ХУДОЁРОВ, Шамсиддин ЭСОНБОЕВ, Фозил ЮСУПОВ, Икромжон ЎРИНБОЕВ, Искандар ҚАЛАНДАРОВ, Эргаш ҚУРБОНОВ, Ўринбой ҲАСАНОВ.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар

ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона – 133-09-93 (факс), 133-40-87 (факс), бош муҳаррир ўринбосарлари – 133-16-27, 133-44-43, котибият - 136-56-26. Ижодий гуруҳлар: 136-54-44, 136-56-21, 136-56-25, 136-54-42, реклама ва эълонлар – 136-56-30.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ: Қорақалпоғистон Республикаси – 8-361-58-512-17; Андижон – 8-374-2-25-32-23; Бухоро – 8-365-22-648-22; Жиззах – 8-372-22-648-72; Навоий – 8-436-22-588-56; Наманган – 8 - 369-43-311-81; Фарғона – 8-373-61-221-97; Самарқанд – 8-366-233-00-52; Сурхондарё – 8-376-46-526-61; Сирдарё – 8-367-225-41-73; Тошкент – 8-371-136-56-21; Хоразм – 8-362-22-623-50; Қашқадарё – 8-375-22-517-65.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар

Навбатчи: Ҳ.ТОШХЎЖАЕВ

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси томонидан 2002 йил 18 февралда № 00694-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Газета сешанба, пайшанба, жума кунлари чиқади

Буюртма Г-023, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

Босишга топшириш вақти: 21.00. Босишга топширилди: Адади - 18.236 нусха

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

E-mail: kishlokhayoti@yahoo.com

1 2 3 4 5 6

**2003 YIL 16 YANVAR, PAYSHANBA**

# Qishloq HAYOTI

*O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi*

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

№8 (6.533). Sotuvda erkin narhda

## БУГУНГИ СОНДА

### ПУЛ ЙЎҚМИ, ИНСОФ?

Халқ банки томонидан ҳар ойда бир маҳаллалардаги (яъни, июл ойида "Юлдуз" бўлса, августда бошқа маҳалла) барча нафақа олувчиларнинг нафақа пулларини накд пул йўқлигини рўкач қилиб, омонат ҳисоб рақамларига ўтказиб юборганлар.

(1-2-саҳифаларда)



### ДЕҲҚОНГА ЭРКИНЛИК КЕРАК

(3-саҳифада)

### ҚАЛБ МУЛКИ

Мана шу меҳр бозоридан истаганингизча меҳр олингда, унга зор кишиларга улашиб юринг. Кимлардир бизнинг бу ҳақиқат устунларидан тикланган бозоримизга шафқатсизлик, риёкорлик каби матоҳларни киргизмоқчи бўлса, унга сира йўл қўйманг. Қўлингиздагини ҳар қандай вазиятда ҳам арзон-гаровга пуллаб юборманг. У доим сизнинг виждон мулкингиз билан бир жойда турсин.

(1-4-саҳифаларда)

## КУННИНГ МУҲИМ ВОҚЕАЛАРИ

● Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг Бухоро вилоятидаги ижросига бағишланган масала муҳокама этилди.

● Навоийда вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиясининг йил якунига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

● Марказий банкда банк тизимининг бугунги кундаги долзарб муаммоларига бағишланган амалий семинар бўлиб ўтди.

● Чирчиқ шаҳридаги Офицерлар уйида бўлиб ўтган «Ватан - саждагоҳ каби муқаддас» деб номланган тадбирни Республика Маънавият ва маърифат Кенгаши ҳамда унинг вилоят бўлими ҳамкорликда ташкил этди.

● Наманган вилояти телерадиокомпанияси ҳузурида «Умид» ёшлар студияси иш бошлади.

Мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилаётган «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларининг Навоий, Самарқанд ва Андижон вилоят босқичлари якунланди.

● Республика таълим марказида «2002 йилнинг энг яхши ўқитувчиси» номли кўрик-танловнинг якуний босқичи бошланди. Ушбу танлов Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан ташкил этилган бўлиб, унинг саралаш босқичлари мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлиб ўтди.

● Наманган вилоятида ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ойлиги мобайнида ҳарбий бўлинмалар, ўқув юртлари, меҳнат жамоалари, маҳалла ва қишлоқларда ҳарбий хизматчиларнинг уруш ва меҳнат фахрийлари, ёшлар билан учрашувлари бўлиб ўтди.

● Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига «Филипс» компаниясининг беғараз ёрдам асосида бешта УАЗ русумли автомашинани расмий топшириш маросими бўлиб ўтди.



## Бозор тўкинлиги - юрт файзи

*Марҳабо Шодиқулова ўн йилдан буён якка тадбиркорлик билан шуғулланиб, эл олқишини олаётганлардан биридир. Жиззах шаҳридаги "Кўк бозор" ҳиссадорлик жамиятининг мевалар растасида савдо-сотиқ қилаётган бу тадбиркор аёл ўзининг ширинсуханлиги ва ҳалоллиги билан харидорлар ишончини оқлаб келаётир.*

*-Бозор қаллобликни ёқтирмайди, - дейди у. – Тарозидан уриш, сифатсиз маҳсулотларни мақтаб сотиш тадбиркорни касодга учратади. Шу боис доимо сифатли маҳсулотлар билан савдо қиламан.*

*СУРАТДА: Марҳабо Шодиқулова.*

Н.АЛМУРОДОВ олган сурат.

## МДҲ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ТОШКЕНТДА

***Мамлакатимизга ташриф буюрган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ижроия қўмитаси раиси Юрий Яров бошчилигидаги делегация аъзолари 15 январ куни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ўткир Султонов билан учрашди.***

Суҳбат чоғида МДҲ мамлакатлари ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш, истиқболда амалга оширилиши режалаштирилган тадбирлар хусусида фикр алмашилди.

Шу куни делегация вакиллари Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлигида ҳам бўлди. Мамлакатимиз ташқи сиёсат маҳкамаси раҳбари Абдулазиз Комилов билан бўлган суҳбат чоғида МДҲ мамлакатларининг иқтисодиёт, савдо-сотиқ, маданият, таълим соҳаларидаги ҳамкорлигини ривожлантириш, икки ва кўп томонлама алоқалар кўламини янада кенгайтиришга қаратилган масалалар муҳокама қилинди. Шунингдек, томонлар МДҲ доирасида уюшган жиноятчилик, наркотиклар контрабандаси, халқаро терроричилик, диний экстремизм ва бошқа иллатларга қарши ҳамкорликдаги курашни янада жадаллаштириш борасидаги фикрлари билан ўртоқлашди.

**(ЎзА)**

## ЎЗБЕК НОЗ-НЕЪМАТЛАРИ ЕВРОПА БОЗОРИГА

***Шу йилнинг 17-26 январ кунлари Берлинда ўтказиладиган "Яшил ҳафта-2003" қишлоқ хўжалик маҳсулотлари халқаро кўргазмаси Ўзбекистон ва Германия Федератив Республикаси ўртасида савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, шунингдек мамлакатимиз маҳсулотларини Европа бозорларига чиқариш, хорижий инвестицияларни жалб этиш имконини беради.***

Миллий кўргазма Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, "Ўзмевасабзавотузумсаноатхолдинг" компанияси, "Ўзбекбирлашув" акциядорлик компанияси, "Ўздонмаҳсулот" давлат-акциядорлик компанияси, "Озиқовқатсаноат", "Ёғмойтамакисаноат" уюшмалари томонидан тайёрланади. Стендлардаги ахборот-маълумотлар инглиз ва немис тилларида бўлади. Кўргазмадан жаҳон бозорларида харидоргир бўлган аъло навли мусалласлар, табиий шарбатлар, арoқ ва коняк ичимликлари, кўплаб турдаги ўсимлик ёғлари, консерваланган сабзавотлар, мевалар, мурабболар, шарқона ширинликлар, бир сўз билан айтганда она Ўзбекистонимизнинг ноёб ноз-неъматлари ўрин олади.

**"Туркистон-пресс"**

## АТИГИ ЮЗ САТР

***Раҳматли отам ҳикоя қилишларича, бобомни Ойхўжа полвон дейишаркан. У киши XIX аср охири ва XX аср бошларида Тошкент вилоятининг Дўмбиробод қишлоғида яшаган (ўша вақтда Дўмбиробод қишлоқ бўлган, ҳозир Чилонзор тумани ҳудудидаги маҳалла).***

### ИЛДИЗИ ТЕРАН, ИСТИҚБОЛИ ПОРЛОҚ...

Ойхўжа полвон шу ерлик тенгдоши Ота полвон билан бирга Зангиота, Қовунчи ва шу атрофдаги бошқа қишлоқларда бўлган халқ сайилларига бориб курашга тушишган. Улар кураш қоидасини бузмасдан, ҳалол курашганлари учун кўпчилик эътиборини қозонишган. Отамнинг айтишича, Ойхўжа полвон ва Ота полвон ҳеч қачон бир-бирлари билан беллашишмаган экан. Бир куни Тўйтепадаги халқ сайилида одамлар дўмбирободлик полвонлар ўртага чиқиб, бир-бирлари билан курашга тушишларини илтимос қилишибди. Улар тушишмапти. Лекин уларни ўртага чорловчи қарсаклар тўхтамасмиш.

Шунда Ойхўжа полвон ўз шериги Ота полвонга: "Юринг, булар қўйишмаяпти", деб биргалашиб, ўртага тушишибди. Икки қўлларини кўкракларига қўйиб, атрофга қараб, таъзим қилишибди ва даврадан чиқишибди. Шу-шу бўлибди-ю қаерга боришса, халқ уларни бир-бирлари билан курашга тушишга таклиф қилмайдиган бўлибди.

Дўмбирободда 1945-50 йилларда ҳам ёш полвонлар бўлган. Шу йилларда бу ерда кураш ташкил этилган. Бу курашларга жисмоний тарбия ўқитувчиси Абдусапи Набиев ташкилотчи-судьялик қилган. Бу ерга Тошкентнинг Кушбеги даҳасидан Ҳамидулла полвон, Қатортол ва Қаъни қишлоқларидан полвонлар келиб, курашга тушишгани эсимда.

1960 йилларда Паркент туманидаги Хисорак қишлоғидан Фазлиддин полвон Ҳолиқов, Тўра полвон Бўтаевлар чиққан. Ўша пайтда Тўра полвон Тошкентдаги Ўзбекистон миллий боғида ташкил этилган курашларда қатнашганини кўрганман.

Эндиликда соғлом авлод тарбияси давлат сиёсати даражасига кўтарилган бир даврда миллий ўзбек спортига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Қадимий ўзбек кураши тантанали давраларга ўзига хос кўрк бахш этмоқда. Аниққи, умрбоқий курашимиз минг йиллар оша халқимиз довруғини дунёга таратиб тураверади.

**Йўлдош МАНСУРОВ, журналист.**

## МИРОБЛИК ОСОНМИ?

ЖАРАЁН

***Ёзнинг чилласида даласига қараб мунғайиб ўтирган, ташвишли деҳқон билан суҳбатлашганмисиз? Гапларидан кўнгил эзилиб кетади унинг.***

-Э-э, ука, экиннинг аҳволини қаранг, бир қарич, сувсизликдан қовжираяпти. Банкдан қарз кўтариб трактор олувдим. Ай-й, экин битмаса қарзни энди қандай тўлайман-а...

-Каналда сув йўқми ё сизга беришмаяптими?

-Асли бу йил сув кам бўлди-да. Боиси ўтган қишда қор кам ёғди, тоғлардан барака қочди. Мана оқибати, чиллада сув йўқ.

Бу икки-уч йил илгари бўлган ҳолат – деҳқонни қийнаган, уни харажатга қўйган сув тақчиллиги. Шукрки, бугун ҳаммаси ортда қолди. Ўтган йил билимдонлик билан ишлаган деҳқону фермер борки, ҳаммаси еридан мўл ҳосил кўтарди. Деҳқончиликдаги ўзгаришлар, айниқса, ғаллакорни суюнтирди, мўмайгина даромад кўрди у. Насиб этса, бу йил янада баракали бўлади. Кўпчилик ана шундай фикрда. Чунки қор кўп, тоғлардаги ёғингарчиликни асти сўраманг. "Зарафшонводий" сув бошқармаси бошлиғи Зоир Жўрабековнинг айтишича, сувнинг кўп бўлиши миробларга катта масъулият юклайди. Бир қарашда сокин оқаётган сув озгина эътиборсизлик туфайли катта офатларни келтириб чиқариши мумкин. Ёки сув кўп, деб ундан самарасиз фойдаланиш ҳам ўзини оқламайди. Тизимдаги ҳар бир иншоот, ҳар бир канал ва сув омборларидаги ҳолат мутахассислар диққат-эътиборида.

-Суғориш тизимини компьютерлар ёрдамида бошқариш, аниқ ҳисоб-китоб билан ишлашни йўлга қўйганмиз, - дейди Зоир Жўрабеков. – Шунингдек, қисқа давр ичида 129 гидроиншоот жорий таъмирланди. 2 минг 878 м³ тупроқ ишлари, 1 минг 315 м³ бетонлаш юмушлари амалга оширилди. Сувни жиловлаш, уни керакли йўналишларга буриб, тақсимлаш мироблардан катта маҳорат талаб этади. Шунинг учун қурувчиларимиз ҳар юмушни сифатли, аниқ бажаришга интилади. Қолаверса, назорат ҳам етарли даражада.

Бошқарма бошлиғи ўзи раҳбарлик қилаётган тизим миероблари тўртта вилоят деҳқонларини сув билан таъминлашини айтди.

-Сувни бир меъёрда, белгиланган ҳажмда етказиб бериш учун гидромеханизмларни созлаш, каналларни тозалаш ва ўпирилган жойларга тоғ тошларини келтириб бостиришни амалга ошираяпмиз, - дейди Зоир Жўрабеков. – Бу ишларга 150 дан ортиқ турли русумли техникалар жалб этилган.

Мироблар билан Каттақўрғон сув омборида ҳам бўлдик. Кузатув устунига чиқиб юқоридан қараганда, сунъий денгиз ҳадсиз, чегарасиздек кўринади. Балиқхўр қушлар ов билан банд. Жиловланган сув сирли жилваланади.

-Чуқур бўлса керак?

-32 метрдан ортиқ, - дейди сув омбори бошлиғи Акбар Азимов. – Сув омбори 1940 йил қурилган, икки марта – 1953 ва 1968 йилларда лойқадан тозаланган. Ҳозир чўкинди кўпайгани боис, бироз саёзлашган. Аммо суғориш мавсуми бошланганда чиқиш канали орқали тахминан 150 метр айланадаги лойқа чиқиб кетади.

-Тезлик катта бўлса керак-да.

-Албатта, сув очилганда чиқиш каналидаги оби-ҳаётнинг тезлиги секундига 27 метрдан ошади. Юринг, сизга чиқиш каналининг автомат сув тўғонини кўрсатаман.

Биз сув тагига ёриб кирган катта йўлак орқали ичкарига юрдик. Электромотор ёрдамида очиладиган ҳайбатли эшик катта банкларнинг улкан сейфини эслатади. Биз турган жой 15 метр сув остида, қирғоқдан 50 метрлар чамаси узоқда. Илк бор кирган кишини сувнинг шовқини, электромоторнинг шовқинли овози ваҳимага солади. Оби-ҳаёт беш метрлар чамаси чуқурликда оқаяпти.

-Гоҳида мана шундай сувэшикни очиб-ёпиб, текшириб турамиз. Запас эшик эса бизга қалтис вазиятларда асқотади, - дейди сув омборидаги тўғон бошлиғи Бегмат Қулматов. – Сувнинг сатҳи ва бошқа ҳисоб-китоблар компьютер марказида амалга оширилади. Жамоамиз аҳли, бир-бирини ҳурмат қилади. Шунинг учун бу ерда ишлаб чарчамайман.

Компьютер марказида бўлганда, айрим рақамларга эътибор бердик. Сув омбори 8 минг 300 гектар ерда жойлашган ҳажми 900 миллион куб метр, шунинг 82 миллион куб метрини лойқа босган. Бугун сув омборга қарашли Дамхўжа ва Нарпай сув ўзанларида иш бир маромда олиб борилмоқда. Мутахассислар сувни кўпроқ жамғариш, суғориш каналларини тозалаш, тўғонларни мустаҳкамлаш ишлари билан банд. Бу ерларда костюмини қозиққа илиб, иш кийимини кийган кўплаб раҳбарларни ҳам учратасиз. Тажриба, малака ва техник асбоб-анжомлар таъминотининг узлуксизлиги усталарга асқотаяпти.

-Мақсад битта, - дейди Акбар Азимов. – Заҳматкаш деҳқонни суғориш мавсумида оби-ҳаётга интиқ қилиб қўймаслик. Жамғарилган сув 94 минг гектар ерни суғоришга мўлжалланган. Агар сув сарфи камайтирилса, бу йилги сув заҳирамиз билан 100 минг гектардан зиёдроқ далалардан мўл ҳосил кўтариш мумкин. Ана шунда миробларнинг манфаатдорлиги янада ортади.

**Абдунаби АЛИҚУЛОВ, "Қишлоқ ҳаёти" махсус мухбири.**

## КЎПНИНГ ДУОСИ КЎЛ

***Ривоят қиладиларки, минг йил умр кўрган Луқмони ҳакимдан ўлар чоғида сўрашибди. "Бу фоний дунёни нимага ўхшатдинг?". Ҳаким жавоб берибдики: "Дунё икки эшикли сарой экан, бирисидан кириб, иккинчисидан чиқиб кетяпман..."***

Ашраф бобо ҳикояни тугатиб, мошгуруч соқолини тутамлаганча анча фурсат сукутга толди. Кейин эса тиззасида ўтирган набирасининг сочларини меҳр

ЭЙ, УМРИ АЗИЗ

билан силаб, сўзида давом этди:

-Кечагина биз ҳам мана шу болакайлардек гўдак эдик. Ўсиб-улғайдик. Ҳаётнинг кўп аччиқ-чучугини кўрдик. Мана, бир пасда соч-соқолимиз оқариб, кексайиб қолдик, болам!

Минг бир истиҳола билан отахоннинг ёшларини сўрадим.

-Бир кам саксонда бўлсалар керак, - жавоб берди ўғиллари Аҳтам ака.

-Она қорни билан роппа-роса саксон деявер, ўғлим, - кулдилар нуроний отахон.

Негадир ишонгим келмади. Мўйсафиднинг ўктам қиёфаси, алпдек барваста қадди-қоматини кўрган киши унинг саксонни қоралаб қолганига ҳечам ишонмасди.

(Давоми 2-бетда)

## ЭЪТИБОР

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

***Чўпон Сафар Ҳасанов хасталаниб қолди. Ҳакимлар унга даволаниши кераклигини айтишди. Буни эшитган Нурота туманидаги "Нурота" ширкат хўжалиги касаба уюшма қўмитасининг раиси кўмакка келди. Чўпоннинг истаги билан унга "Ботаника" санаторийсига йўлланма берилди.***

Шунингдек, хўжаликда қирқ йил чўпонлик қилган, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган чорвадор Довултой Зиёдов ҳам хотини Хурсаной момо билан "Турон" санаторийсида даволаниб келишди.

Ишчилар қўмитаси чўпонларнинг дам олиши, даволаниши учун қўлларидан келганча ёрдам беришаяпти.

-Қон босими билан хасталанган эдим, -дейди бош пудратчи Ҳусан Бобоёров. - "Турон" санаторийсига бориб даволангач, онадан қайта туғилгандай бўлдим.

Ишчилар қўмитасининг раиси Маҳамад Эрмаков доимо чўпон-чўлиқлар ёнида бўлиб, уларнинг арз-ҳолларини тинглаб, амалий ёрдам кўрсатади.

Маҳамад Эрмаков хўжаликда чорак асрдан бери фаолият кўрсатади. Ҳисобчи, ёшлар етакчиси, хўжалик раҳбари ўринбосари.

(Давоми 3-бетда)

## "ТАХТАКЎПИР" ЧОРА ИЗЛАР...

***Халқимизда "Минг қўшчига бир бошчи" деган серmaъно ибора тез-тез тилга олинади. Узоқни кўзлайдиган, етти ўлчаб бир кесадиган, доимо одамлар орасида бўлиб, уларни изидан эргаштира биладиган кишилар ҳамиша эл-юрт ҳурматига сазовор бўладилар.***

"Тахтакўпир" ширкатлар уюшмаси раҳбарида ҳам худди шундай хислатлар бор эканлигини ҳаётнинг ўзи тасдиқлади...

Ағитай Адилов Тахтакўпир туманида

ИСЛОҲОТ

таниқли иқтисодчи, деб ном қозонган, ишлаб чарчамайдиган пайтлари эди ўшанда. 1977 йили 36 ёшида энг қолоқ ҳисобланган "Тахтакўпир" давлат хўжалигига директор қилиб тайинланади. Катта ҳудудни эгаллаган, 2100 гектар ерга пахта экадиган мазкур хўжаликнинг кассаси бўм-бўш, аммо қарзи етарли эди. Янги раҳбар келган кунидан бошлаб барча ҳисоб-китоб ишларини қайта кўриб чиқди. Ҳеч кимга фойда бермаётган "ўлик" штатларни қисқартирди. Бефойда харажатлар кескин камайди. Қарзҳавола қилиб бўлса ҳам дала меҳнаткашларининг иш ҳақлари вақтида берилишини таъминлади.

(Давоми 3-бетда)

## БАНК ДЎКОН ЭМАС

ТААССУФ

***Мамлакатимизда ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотлар шу юрт кишилари учун, уларнинг фаровон турмуш кечиришлари учун хизмат қилиши керак. Шу мақсадда ҳукуматимиз томонидан аҳолининг ижтимоий ҳимоясини таъминлашга доир қатор Фармон ва қарорлар қабул қилиниб, амалиётда татбиқ қилиб келинмоқда.***

Лекин, афсуски, кам таъминланган ва кўп болали оилалар ҳамда икки ёшгача болалари бор оналарга тайинланган нафақаларни молиялаштириш, ажратилган маблағларни нақд пул билан таъминлашдаги камчиликлар туфайли аҳолининг муҳтож қисмини ижтимоий ҳимоялашда узилишлар рўй бермоқда. Бу салбий ҳолат фуқароларимизнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётир.

Сирдарё вилояти Гулистон туманидаги "Дўстлик", Амир Темур номли ва "Раҳмонобод" маҳаллаларида яшовчи фуқаролар кам таъминланган оилаларга, икки ёшгача ва 16 ёшгача бўлган болаларга тўланадиган нафақа пулларини ўз вақтида ололмаётганлиги тўғрисида вилоят прокуратурасига шикоят ариза билан мурожаат қилишган эди.

(Давоми 2-бетда)

## "ҲУНАРНИ АСРАБОН НЕТГУМДИР ОХИР..."

МАВЗУ

***Оддийгина ғадир-будир ёғоч бир неча соат ичида ҳунармандининг қўлида ажойиб стол ёки стул, шкафга айланиб қолганида қўли гул инсонлар меҳнати, ўзига хос иқтидорига тасанно айтгинг келади.***

Вилоятнинг ҳар бир туманида ана шундай фидойи ҳунармандлар кўплигидан қувонса арзийди. Лекин вилоят бозорлари ёки махсус дўконларда улар ясаган буюмлар нима учундир оз. Ҳали ҳам стол, стул, коса, товоқ, қошиқ, чойнак, пиёла, диван ва ўриндиқларни олис Тошкент ёки Фарғонадан олиб келишади. Ваҳоланки, маҳорати ҳеч кимникидан қолишмайдиган кулоллар, кандакорлар, дурадгорлар, қандолатчилар, халқ амалий санъати фидойилари ҳар бир туманда кўплаб кишини ташкил этади.

Нима учун тарихи бир неча асрларга бориб тақаладиган ҳунармандчилик санъати вилоятда ҳамон қолоқлигича қолаяпти? Бир нечта туманларда шу нозик ва ўзига хос касб соҳиблари иши билан танишиб, суҳбатлашганимизда бу саволларга жўяли жавоб топгандай бўлдик.

(Давоми 4-бетда)

## МЕҲР БОЗОРИ

ҲИКОЯ

***Ит эгасини, мушук бекасини танимайдиган гавжум бозор. Жаҳолат, ёлғон тўла қопларни елкалаб олган одамлар, бир-бирини уриб-суриб тепкилаб, фақат олдинга интилишади.***

Бозорнинг бошидан адоғигача чўзилиб кетган икки томондаги расталар ёлғон, хиёнат, ҳасад, ғийбату жаҳолат каби молу матолар билан лиқ тўла. Раста ортидаги гоҳи бўзрайган, гоҳ ялтоқланган башарали сотувчилар қўллари-қўлларига тегмай савдо қилиш билан банд. Айримлари эса молига харидор чорлайди.

-Кеп қолинг, оп қолинг, ёлғоннинг энг сўнгги нусхаси... Бунақасини тополмайсиз. Кам қолди, арзон қиламан...

-Энг зўр ғийбатлар фақат бизда топилади. Келинг, сиз учун сув текинга бераман...

-Жоҳилликнинг энг лаҳм жойидан тортаман! – қассобхона туйнугидан бошини чиқариб томоғи йиртилгудек бақиради қассоб.

-Хиёнатни тош босгандан оғирроқ қилиб бераман...

(Давоми 4-бетда)

**КЕЛГУСИ СОНДА:** "ИШБИЛАРМОН" МУДИР | ТЎРАЧИЛИК ЖАЗОСИЗ ҚОЛМАС | НЬЮТОННИНГ ИБРАТИ

# БУНИ ҲАЁТ ДЕЙДИЛАР...

## ЭЛИНГДАН ҚЎЙМАСИН...

***Арслонбой ўғлининг никоҳ тўйи сўнгида сўз олганида гапнинг охирида ички бир дард билан "Элингдан қўймасин экан, минг марта раҳмат, сизларга!" деди ҳамқишлоқларига қарата.***

Бир вақтлари Арслонбой катта амалдор эди. Қизи қўшни қишлоққа келин бўлиб тушадиган бўлди. "Қиз чорлар" шундай дабдабали ўтдики, асти қўяверинг. Дастурхондаги ноз-неъматлар, турфа хил ичимликлар... кўзни олади! Даврада биронта ҳам бўш ўрин қолмаган. Уни катта-кичик амалдорлар, бойваччалар, лаганбардорлар банд этишган. Хизматда Арслонбойнинг қош қоқса, тушунадиган чапани йигитлари, сулувдай қизлари туришди. Артистлар ҳам оғизга тушган эстрада "юлдуз"лари эди. Эҳ-ҳе, нимасини айтасиз. "Чорлар"нинг ўзи бир катта тўйга айланди. Унинг овозаси кўп вақтларгача эл оғзидан тушмади.

Бугунги ўғилнинг никоҳ тўйига ҳам ўшандай дастурхон ёзишга интилди. Ўринларга қараганда тўйга жуда кўп одам таклиф қилинганлиги кўриниб турибди. Дастурхонга ҳам гап йўқ, ноз-нематлар, ичимликлар мўл. Аммо даврадаги ўринларнинг ярмидан кўпи бўш... Анови икки қатор эса элдан келган кекса -ёш, ўзининг яқинлари билан тўлган. Артистларга қаранг, совуқ темирга болға ургандай сира "қизишмаяпти". Улар ҳам одамига қараб иш тутишади-да.

Нима, бўлганда ҳам Арслоннинг амалдан кетгани билиниб турарди. Бошқа яна қандай сабаб бўлиши мумкин. Ёт ётлигини қилади-да, барибир. Мансабдалигида элини, қўни-қўшнисини ўйламаган ҳар бир одам ҳам шундай аҳволга тушиши мумкин.

Хизматда юрганлар орасида маҳалланинг йигитлари саноқлигина эди. Улар ҳам асосан оғайниларининг ўғил-қизлари экан. Ишқилиб, ўз элингда ўрни йўқолмасин экан-да одамнинг.

Ҳар ҳолда тўй ёмон ўтмади. Эл-элат, қўни-қўшни барибир Арслонбойни қиймади – тўйни ўтказишда қўлларидан келганча хизмат қилишди. Шояд энди у " ўзи"га келиб, эли билан бирга бўлишга интилса. Илоҳо шундай бўлсин!

**Аҳмаджон РАҲИМОВ**

## ҲИМОЯЛАШ

***Маткарим узоқ йиллардан буён турли идора ва ташкилотларда ҳисобчи сифатида фаолият кўрсатиб, ўз соҳаси "ҳадисини" олганлардан. Туман раҳбарлари билан "ош есалар, ўртада илик сарсон"лигидан уни бундан икки йилча олдин "Боғзор" ширкат хўжалиги бош ҳисобчилигига юборишганди.***

Хўжалик раиси Орзумуроднинг касби агроном бўлганлиги, ҳисоб ишига унчалик тиши ўтмаслиги бош ҳисобчига қўл келди. " Қозончининг эрки бор, қайдан қулоқ чиқарса" қабилида иш тута бошлади.

Ниҳоят икки йиллик ишлари юзасидан ҳисоб берадиган пайт келди. Ширкатга юқори ташкилотлардан текширувчилар кела бошлади. Қийин аҳволда қолган Маткарим акажонлари томон югурди. Кўп мулоҳазалардан сўнг ҳоким бува "икки қуён"ни бир ўқ билан урди" – уни бўш турган янги иш ўрнига-ўзига муовинликка кўтарди. Янги тайинланган ўринбосар биринчи мажлисдаёқ "ширкат хўжаликларидаги ўринсиз текширишларни тезда тугатиш" ҳақида гапирди. Шаъмани тўғри тушунган солиқ идораси раҳбари эртасигаёқ ўз ходимларини "Боғзор" ширкатидан чақириб олди. Қалови топилса, қор ёнишига кўпчилик одамлар ишонишди.

"Яхшилик" ерда қолмайди. Ўринбосар ҳам ўрни келганда, кўпгина ҳамкасбларини ўз ҳимоясига олаётган бўлса, ажаб эмас.

**Х.МУРОДОВ**

## "ШИФОКОР МАСЛАҲАТИ"ДАН СЎНГ

***Йўлдош ота 75 ёшдан ошганда ҳам йигитдай эди. Томорқасида ишлар, молларга қарар, велосипедини миниб узоқдаги яқинларининг тўй-маъракаларига ҳам қатнашарди.***

Ота ҳар галгидек тун ярмида узоқдаги қариндошининг тўйидан велосипедда келаётган эди. Қум этагига яқинлашгач, юрагини ваҳима босди. Болалик пайти кексалардан эшитган бирбиридан даҳшатли воқеалар хаёлини эгаллади. Аксига олиб, чакалакзорга яқинлашганида, велосипедининг ели чиқиб қолса бўладими? Баттар қўрқувга тушди. Билган дуоларини қайтариб ўша жойдан эндигина узоқлашган ҳам эдики, одамнинг ғулдурашига ўхшаш товуш эшитилди ва у бир неча бор такрорланди.

Йўлдош ота уйига келиб ётиб қолди. Бўлган воқеа қишлоқ оралагач, тенгқур дўсти Ҳамроқул чўпон кўргани келиб «Шу кечаси қўрани чакалакзор ёнига кўчирганини» айтиб, таскин берган бўлди. Лекин булар чол дардини енгиллаштиролмади.

..Нима бўлдию, телевизорда "Шифокор маслаҳати" эфирга чиқди. "Кўпгина касаллар инсон руҳиятига, ундан фориғ бўлиш эса ўз ишонч шижоатига боғлиқ" деган гап-сўзлардан сўнг бирдан чол ўрнидан турди. Қайсарлик билан ҳаракатлана бошлади. Эртаси куни эса невараси Сотимбойнинг "Тико"сида ўша жойга борди. Ҳақиқатан ҳам зовурнинг нари ёғига чўпон қўш ташлаган, таканинг одам ғўлдирашига ўхшаб овоз чиқаришини кўриб беихтиёр жилмайиб қўйди. Шу кундан бошлаб аста- секин соғая борди, мана беш йилки, у аввалгидай бардам.

"Тилвизордаги дўхтирларга раҳмат, дарддан фориғ қилишди", дейди чол аҳволини сўраб келувчиларга.

**Холмурод ҚУРБОНОВ**

## "ДЎСТИМНИ ОТИБ ҚЎЙГАНДИМ"

***Иккинчи жаҳон уруши давом этарди. Мен олдинда, шеригим орқада разведкага бораётувдик, - ҳикоя қилади Бойдавлат ота. – Балчиқ гоҳ тўпиқдан, гоҳ тиззадан келади, икки тараф поёни йўқ ботқоқ.***

Ҳар ер-ҳар ерга суқиб қўйилган таёқларни мўлжаллаб юрган одамгина ботқоққа ғарқ бўлмайди. Кўққисдан оёғим тойди-ю, "сўқмоқ"дан қулаб, томоғимгача ботиб қолдим. Шошган дўстим автоматнинг қўндоғини узатди. Бир силтаниб, чап қўлим билан осилдим, қўлимга ниманингдир томири илинди. Барибир ўнгланолмадим, жон аччиғида яна бир талпиндим, шунда автоматнинг тепкисини босворган эканман. Бир сидра ўқ варанглади, дўстим додлаб ёнимга қулади..

Бечорани опичлаб ярим тунда қисмимизга етиб келдим. У йўл бўйи мени сўкиб келган бўлса-да, энди тилдан қолган, фақат хирилларди, холос. Кўпчилик кўмагида уни врач ҳузурига олиб кирарканман, командир сўраб қолди:

-Пистирмага дуч келдиларингми?

Беихтиёр бош силкидим. Дўхтир операцияга тайёрланиб ҳам улгурмай дўстимнинг жони узилди.

У қабрга олиб кетган машъум сир манави ерни ҳалиям ёндириб ётибди, - қария чап кўксини уриб кўрсатади.

Бирон юпанч сўз айтолмаймиз. Ота эса шу оғир хотиралар аламида бизни унутади.

**Рустамжон УММАТОВ**

# БАНК ДЎКОН ЭМАС

(Боши 1-бетда)

Текшириш давомида аниқланишича, Гулистон туман Халқ банки бўлимининг 5 та шохобчалари томонидан 42 та маҳаллага нафақа ва ёрдам пуллари тарқатиб келинади.

Ўтган йилнинг саккиз ойида маҳалла қўмиталаридан 16 ёшгача болалари бўлган 31921 та оилаларга 156228,8 минг сўмлик нафақа пуллари молиялаштирилган бўлиб, шу давр мобайнида ана шу миқдордаги нафақа пуллари тўлов варақалари асосида банкдан чиқим қилинган.

2002 йилнинг тўққиз ойи мобайнида тумандаги икки ёшгача бўлган фарзандлари учун нафақа олувчи 10235 та оилаларга 64305,7 минг сўмлик нафақа пуллари молиялаштирилган бўлиб, ҳисоботда ёзилишича бу пуллар ҳам нафақа олувчиларга тарқатилган.

Шунингдек, ўтган йилнинг тўққиз ойи мобайнида бюджетдан тумандаги 1391 та кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам пули учун 7982,3 минг сўм ажратилган бўлиб, бу ёрдам пуллари эгаларига тўлиқ етиб борганлиги ҳисоботларда кўрсатилган.

Лекин, афсуски, банк ходимлари нима мақсадда қоғозда бошқа, амалда бошқача иш тутганликлари бизга номаълум. Чунки банк томонидан берилган ҳисоботлар ўрганиб чиқилганда ва маҳаллаларда танлов бўйича кўриб чиқилганда нафақа пуллари тўлиқ тарқатилмаганлиги, банк ҳисоботида сохталик борлиги маълум бўлди. Масалан, Гулистон тумани "Деҳқонобод" қўрғонидаги "Дўстлик" маҳалласидаги нафақа олувчи фуқароларга банк бўлимидан берилган ҳисоботда нафақалар тўлиқ берилган дейилган. Лекин ўтказилган ҳужжатли текширишларда бу маҳалладаги нафақа олувчилар учун ўтган йилнинг май, июн, июл ва август ойларига ёш болалари ҳамда ёрдам пули учун 983 оилага 5266,6 минг сўм тўлов рўйхати қабул қилинган, лекин биринчи сентябр ҳолатига кўра 297,3 минг сўмлик нафақалар тарқатилмасдан қолган. Бу пуллар банк ходимларининг айтишича, нафақа олувчи ўз вақтида келмаганлиги учун нафақа олувчиларнинг омонатларига ўтказиб юборилган. Уларнинг бу "чўпчаги"га ким ҳам ишониши мумкин.

Яхшиси, баҳоналарга эмас, аниқ далилларга мурожаат қилайлик. Прокуратурага ариза ёзган Замира Хаитова июн ва август ойлари учун 11872 сўм, Одила Тўйчиева июл ойи учун 6904 сўм, Муҳаббат Қўлдошева июл ойи учун 5523 сўм нафақа пулларини ўтган йилнинг декабр ойигача ололмаганлар. Улар нафақа пулларини сўраб боришганда банк ходимлари пул йўқ деб, уларни доимий равишда овораи сарсон қилишган.

Шунингдек, Зарбдор қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли "Юлдуз-1" маҳалласи фуқароларига ҳам 1186,6 минг сўмлик нафақа пуллари тўланиши лозим бўлиб, ушбу нафақа пуллари банкдан тўлиқ чиқим қилинган ва тўлов варақалари ёпилган. Лекин ҳужжатларни текшириш жараёнида ўтган йилнинг биринчи сентябр ҳолатига кўра 82451 минг сўмлик нафақа пуллари фуқароларга тарқатилмасдан қолдиқда қолган.

Тумандаги Олтин Ўрда қишлоғида яшовчи фуқароларга нафақа ва ёрдам пуллари Гулистон туман Халқ банки бўлимининг 021 шохобчаси томонидан тарқатиб келинган. 2002 йил май, июн, июл ва август ойлари учун 396 оилага 2214,9 минг сўм тўлов рўйхатлари қабул қилинган бўлса-да, биринчи сентябр ҳолатига кўра омонатлар қолдиғи тарқатилмасдан қолган.

Яна сабаб банкда нақд пул йўқлиги. Халқ банки туман бўлимидагилар яхшигина "тадбиркор" ҳам эканлар. Бу ўринда улар мавжуд қонун-қоидаларни ҳам менсимайди. Шундай бўлмаганда эди, улар республика Халқ банки бошқарувининг 1998 йил 28 майдаги 21 В қарори билан тасдиқланган нафақа бериш бўйича қўлланмаларни қўпол равишда бузиб, нафақа олувчиларга натура шаклида озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатмаган бўлишарди. Нима, банк дўконмидики, маҳсулот тарқатса. Балки коса тагида нимкоса бордирки, улар ўзларига алоқаси бўлмаган ишга қўл уришгандир.

Умуман, Халқ банки томонидан ҳар ойда бир маҳаллалардаги (яъни, июл ойида "Юлдуз" бўлса, августда бошқа маҳалла) барча нафақа олувчиларнинг нафақа пулларини нақд пул йўқлигини рўкач қилиб, омонат ҳисоб рақамларига ўтказиб юборганлар. Жумладан "Юлдуз-1" маҳалласидаги нафақа олувчиларнинг 112146 сўмлик, "Зарбдор" маҳалласида нафақа олувчи фуқароларнинг 238440 сўмлик ва бошқа маҳаллалардаги нафақа олувчиларнинг ҳам жами 1179286 сўмлик нафақа пулларини нақд беришмасдан омонат ҳисоб рақамига ўтказиб юборишган.

Айнан аҳолининг кам таъминланган қисмига ажратилаётган маблағларнинг ўз эгаларига вақтида етиб бормаётганлиги асло кечирилмас ҳолдир. Бу ҳолатлар мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий сиёсатга катта зарар келтириши аниқ.

Гулистон туман Халқ банки бўлимидагилар буни вақтида англаб етишганда эди нафақа олувчиларни ойлаб овораи сарсон қилишмаган бўларди.

**М.БЕКМУРЗАЕВ,**
**Сирдарё вилоят прокуратурасининг умумий назорат бўлими прокурори.**
**А.КАРИМОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

***Осиё тараққиёт банки (ОТБ) "Буюк Ипак йўли" (Greater Silk Road Initiative) кенгайтирилган ташаббуси учун 950 минг АҚШ доллари миқдоридаги техник ёрдамни тасдиқлади.***

# "ИПАК ЙЎЛИ" ТАШАББУСИ

ДАВР

Ташаббуснинг мақсади иқтисодий ҳамкорлик орқали Марказий Осиё мамлакатлари иқтисодий ривожини ва аҳоли турмуш даражасини юксалтиришга кўмаклашишни кўзда тутади.

Техник ёрдам муҳим минтақавий лойиҳаларни тайёрлаш, транспорт, энергетика ҳамда савдо соҳасида ҳамкорликнинг катта имкониятларини ўрганишда қўл келади. Бундан ташқари, техник ёрдам ОТБ ва унда қатнашаётган мамлакатлар ўртасидаги шерикчиликни кучайтиради.

Лойиҳа Марказий Осиё минтақавий иқтисодий ҳамкорлигида қатнашувчи еттита мамлакатни қамраб олади. Булар Ўзбекистон, Озарбойжон, Хитой, Қозоғистон, Монголия, Тожикистон мамлакатларидир. Ушбу мамлакатларни яқин тарихий ва этник алоқалар боғлаб туради, шунингдек уларнинг Афғонистон билан иқтисодий муносабатлари анча яқин.

Мазкур ташаббус Афғонистон билан ҳам минтақавий ҳамкорликни кенгайтиришни қўллаб-қувватлайди. Тадқиқотлар шунингдек, Марказий Осиё республикаларининг Монголия ва ХХРнинг Шинжон-Уйғур мухтор округи билан ҳамкорлик имкониятларини белгилаш мақсадида ҳам ўтказилмоқда.

-1997 йилдан бошлаб минтақавий ҳамкорлик ташаббуси тўрт мамлакатдан еттитага кенгайди, -деб таъкидлади ОТБ Марказий Осиё минтақавий иқтисодий ҳамкорлик бўлими бошлиғи Лан Ву. – Афғонистонда яқинда бўлиб ўтган воқеалар туфайли ҳамкорликни кенгайтиришнинг аниқ йўналишларини ва жўғрофий микёсларни ишлаб чиқиш имконияти туғилди.

Лан Вунинг айтишича, Афғонистон Марказий Осиё мамлакатлари табиий ресурсларини Жанубий Осиёга экспортида йўлни таъминлаши, шу билан бирга Марказий Осиё республикалари Афғонистондаги тиклаш ва тараққиёт ишларига ўз кўмагини бериши мумкин.

Мазкур ташаббус шунингдек, Марказий Осиё мамлакатлари иқтисодий ҳамкорлиги бўйича ОТБ анжуманида кузатувчи сифатида иштирок этган Туркманистоннинг ушбу минтақавий ҳамкорликка қўшилиши мақсадга мувофиқлигини кўзда тутади, - деб таъкидлади Лан Ву.

**"Туркистон-пресс"**

# ТАСИС — ТАБИАТ ЖОНКУЯРИ

***Чарчоқ нималигини ишлаган одамгина билади. Бир ҳафталик меҳнатдан сўнг кўнглингизда яхшироқ жойга бориб, мириқиб ҳордиқ чиқариш истаги туғилади. Дўстингиз қачонлардир ўзи бориб, дам олиб қайтган оромгоҳини оғзидан бол томиб сизга мақтайди. Қарабсизки, сизда ҳам ўша жойда ҳордиқ чиқариш истаги туғилади. Айниқса, тоғ яқинида жойлашган бирор-бир сўлим маскан бўлса борми, жаннатнинг ўзгинаси деяверинг.***

ЖАРАЁН

Аммо сўлим масканларни, бугун фақатгина тоғли ҳудудларда учратишингиз мумкин. Улар ҳам саноқли. Лекин, ана шу саноқлига айланган табиат гўзаллигини имкон борида сақлаб қолиш фақатгина бир гуруҳ кишиларнинг эмас, ҳамманинг вазифаси эканлигини эсдан чиқармаслик керак.

ТАСИСнинг биологик хилма-хилликни сақлаш Давлатлараро лойиҳаси табиатда мавжуд бўлган ноёб ўсимлик ва ҳайвон турлари тўпланган ҳудудларни сақлаб қолишга қаратилган хайрли ишлардан биридир. Ғарбий Тянь-Шань жаҳондаги ана шундай экологик минтақа бўлиб, ТАСИСнинг Давлатлараро лойиҳасига киритилган. Биологик хилма-хилликни сақлашда тўртта қўриқхона, Саричелек ва Бешорол (Қирғизистон), Чотқол (Ўзбекистон) ва Оқсув-Жабоғли (Қозоғистон) эътиборга олинган.

ТАСИС лойиҳасининг асосий мақсади Ғарбий Тянь-Шаннинг қўриқхоналарига ёндош ҳудудлардаги ижтимоий-иқтисодий ҳаётни ривожлантиришга кўмаклашишдан иборат.

Ўзбекистонда ТАСИС лойиҳаси 2001 йилнинг 15 февралидан ўз фаолиятини бошлаган. Лойиҳанинг бажарилиши давомида экологик туризм, ўрмон ва қишлоқ хўжалигини барқарор юритиш, маҳаллий маҳсулотлар маркетинги, экологик таълим ҳамда жамоатчилик хабардорлигини ошириш бўйича ўтказилган 39 тренингда 1500 га яқин киши иштирок этди. Ўзбекистонда эса 10 та машғулот ўтказилди. Натижада Паркент, Бўстонлиқ ва Оҳангарон туманларидаги 15 дан ортиқ қишлоқлар аҳолисининг экологик саводхонлигини оширишга эришилди.

-Табиатни асраб-авайлашга қишлоғимиздаги ҳар бир киши ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда, - дейди Паркент туманидаги "Заркент" қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Бекпўлат Турсунов. – ТАСИС лойиҳасини амалга ошириш учун бизга 40 гектар ер ажратиб берилди. Ана шу ерга манзарали, мевали ва бошқа турли хил дарахт кўчатлари ўтказдик. Ҳозир қишлоғимизга борсангиз одатдагидан бошқачароқ манзарага дуч келасиз. Йўлнинг икки чети манзарали дарахтларга тўла. Қисқаси, одамларимизнинг онгида табиат гўзаллигини сақлаб қолишга интилиш кучайди. Президентимизнинг жорий йилни "Обод маҳалла йили" деб эълон қилиши заркентликларнинг ғайратига янада ғайрат қўшди.

Ўтган йилнинг апрел-июн ойларида ТАСИСчилар ташаббуси ва молиявий кўмагида Ўзбекистон, Қирғизистон ва Қозоғистонда "Ер куни" ва боғлар намойишига бағишланган экологик тадбирлар ўтказилди. Бундан ташқари тўртта қўриқхона ходимлари учун Непалга ўқув сафари уюштирилди. Сафар давомида экологик туризмни ривожлантириш соҳасидаги Непал тажрибаси ўрганилди.

Бежизга мақола бошида сўлим гўшада дам олишнинг гашти ҳақида сўз юритмадик. Сабаби, ана шундай мусаффоликда униб-ўсган ҳар бир кишининг онги, шуури ва меҳнат тарзи ҳам албатта соғлом бўлади. Шундай экан, табиатни асраб-авайлашга фақатгина бир гуруҳ фаоллар эмас, уни онадек азиз билган ҳар бир инсон бел боғлаши керак. Ана шунда келажак авлод биздан ибрат олиб, бу хайрли ишни давом эттиради.

**Шавкат ОРТИҚОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

# Ёғочга жило бериб...



**Қарши шаҳридаги ёғочга қайта ишлов бериш корхонасида ишлаб чиқарилаётган ром-эшикларга харидорлар кўпаймоқда. Чунки, бу ерда тайёрланаётган ром-эшиклар жуда сифатли ва бежиримдир.**

**Корхона усталари 2002 йилнинг ўзида режадаги 70 миллион сўм ўрнига 89 миллион 468 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқардилар. Масалан, Косон шаҳрида барпо этилаётган коллежга 30 миллион сўмлик, Жейнов қишлоғидаги коллеж учун эса 25 миллион сўмлик ром-эшиклар етказиб берилди.**

**-Шу кунларда, - дейди корхона директори Исмоил Юсупов. – Россияликлар билан ҳам шартнома туздик. Бу эса, албатта, корхона равнақига катта ишонч бўлиши билан бирга ҳамкорлик асосида иш юритишдаги фойдали омил ҳамдир.**

**СУРАТДА: ўз ишининг устаси Саломат Сафарова.**

Шомурод ШАРОПОВ (ЎзА) олган сурат.

ИНТИЛИШ

## УЙЧИ СОЧИҚЛАРИ

***Уйчи туманининг Ёркатай қишлоғидаги Чуртук маҳалласида жойлашган "Муштарий А.И. ЛТД" масъулияти чекланган тўқув корхонасида импорт ўрнини босувчи момиқ сочиқ, дастурхонлик ва миллий кийимбоп ранго-ранг матолар тўқилмоқда.***

- Бир сменада 800 та сочиқ тайёрлаяпмиз, - деди корхона бошлиғи Жобирхон Тошпўлатов "Туркистон-пресс" мухбирига. - Бу маҳсулотлар майинлиги, гулининг чиройлилиги ва юқори сифати билан ажралиб туради. Шунинг учун ҳам момиқ сочиқларимиз ва бошқа матоларимиз харидоргир. Омборимизда тайёр маҳсулот деярли турмайди.

Маҳсулотга талаб ошаётгани сабабли цехларга қўшимча тўқув дастгоҳлари ўрнатилиб ишга солинди. Корхона иқтисодий салоҳиятининг ошгани, даромаднинг кўпайгани ишчи-хизматчиларни ижтимоий ҳимоялашга тобора кўпроқ маблағ ажратиш имконини бермоқда. Шунингдек, бу ошхона, дам олиш хоналари ва бошқа маданий-маиший иншоотларни қуриш, таъмирлаш ва ишга туширишда қўл келди.

**"Туркистон-пресс"**

# КЎПНИНГ ДУОСИ КЎЛ

(Боши 1-бетда)

Ахир, ҳозиргина ҳовлига кираётганимда, у киши баланд нарвонга чиқиб, ток новдаларини қирқаётган эди. Гап орасида ҳазиллашиб:

-Бова, ўзингиз ёнбошлаб ётсангиз-у, Алпомишдек ўғилларни, Гўрўғлидек невараларни ишга солсангиз бўлмайдими? – деб сўрадим.

-Эй, сўраманг, болам, - дедилар отахон нуроний табассум билан, - болаларим-ку, менга иш бермайди. Ўзимнинг ичим тор. Сиз айтгандай қилиб, ёнбошлаб ётсам толиқиб кетаман. Худога шукр, оёқ-қўлда қувват бор, уйда



бекор ўтиргим келмайди. Ҳозир ҳам Худойқул ошпазнинг тўйидан чиқиб келишим билан шу ишга уннадим.

-Қушда тиним бор, бу кишида йўқ, - дея суҳбатга аралашади Ашраф бобонинг ўртанча ўғли Аҳтам ака, - бирор марта оёқ узатиб ётганларини кўрмаганман. Мана биз қарияпмиз, отамда ҳалиям йигирма яшар йигитнинг кучи бор.

Кулишамиз. Отахоннинг ҳам юзларида майин табассум югуради:

-Э, қаёқда. Кўзимизнинг нури-ю, белнинг қуввати соб бўлди. Қанийди ёшлигимдагидек кучим бўлса. Даладан бери келмасдим. Хўжаликдан яна ўн гектар ер олиб, ток экардим. Ҳозирги ёшларга ҳавасим келади. Хоҳ ўқисин, хоҳ ишласин, барча шарт-шароит муҳайё. Бизнинг ёшлигимизда бунақа замонлар қаёқда эди, болам.

Ашраф бобонинг ёшлиги айни уруш пайтларига тўғри келди. Эсини танибдики, елкасидан кетмон тушмади. Қурол ушлашга қурби етадиганларнинг бари урушга жўнагач, фронт орти меҳнаткашлари зиммасига ҳам катта масъулият юкланди. Шу-шу Ашраф отанинг бутун умри далада ўтди. Ҳаётнинг не-не аччиқ-чучук кунларини кўрмади.

-Бир бурда нон олтиндан қиммат бўлган пайтларни бошимиздан кечирдик, болам, - дейди отахон уруш пайтидаги очарчилик кунларини хотирлаб, - "нон – авлиё, ош – пайғамбар", деб ўша пайтларни айтишарди. Кун бўйи ишлаб ярим коса аталага ёлчимаган пайтларимиз бўлди. Бир замонларни кўрдик, уйидан бирорта араб имлосидаги китоб чиқса, олиб бориб қамаб қўйишарди. Қўшни маҳаллада бир киши бўларди. Ер бориб етказмасин-у, ҳамма унинг отини эшитиши билан дағ-дағ титрарди. Чунки, кимнинг уйидан бирорта эски имлодаги хат чиқса, бировнинг сал сиёсатга тегадиган гапини эшитиб қолса, олиб бориб тиқарди. Қанча-қанча оилаларни қон-қақшатди. Охири ўзиям қариган чоғида хор бўлиб ўлди. Бола-чақаси ҳам йўқ эди. Ўлиги бир ҳафта қаровсиз қолиб кетган экан.

Ашраф ота ҳозирги дориломон кунларни ўз ўтмиши билан солиштираркан, бошидан кечирган аянчли воқеалар кўз ўнгида жонланади.

-50 йиллар бўлса керак, - хотирлайди отахон, - амаким калхўзда яхши ишлагани учун уч метр сурп совға қилишувди. Айни пулга зориқиб турган пайтлари эканми, ҳеч бўлмаса сотиб, уч-тўрт чорак ун оларман, деб бозорга олиб чиқибдилар. У пайтлар ёмон замонлар экан-да, чайқовчи деб мелиса ушлаб кетибди. Иш судгача бориб етди. Суд амакимни беш йилга кесиб юборганди ўшанда. Яхшиям, кишининг Самарқандда каттароқ лавозимда ишлайдиган бир танишлари бор экан. Ўшанинг аралашуви билан бир ҳафта деганда чиқиб келдилар.

Отахон сўзини тугатиб тиззасига келиб ўтирган набирасини оҳиста эркалайди. Қизалоқнинг майин сочларини силаб, яна гапида давом этади.

-Шундай кунларга еткурганига шукр. Ўша пайтларда бир парча бўзни сотиш жиноят бўлса, эндиликда савдо-сотиқ, тадбиркорликка кенг йўл очиб берилди. Истасанг, завод-фабрика қур, магазин оч, ҳалолинг бўлсин. Мана, ўғилларим ҳам тадбиркорликнинг орқасидан тўқ-фаровон яшаяпти. Илоҳо, мана шундай имкониятлар йўлини очиб берган Юртбошимиз омон бўлсин.

-Отахон, хабарингиз бор. Ўтган йил – Қарияларни қадрлаш йили эди. Бу йил...

-Обод маҳалла йили бўлди, - гапни чаққонлик билан илиб кетдилар мўйсафид суҳбатдошимиз, - аввало, бизни қадрлаганларни Яратганнинг ўзи қадрласин. Маҳаллани обод қилиш – кўп савобли иш. Маҳалла обод бўлса юрт ҳам обод бўлади.

Ургутлик Ашраф ота Шарипов билан ҳамсуҳбат бўлганлар у кишининг ёнидан қўзғалгиси келмайди. Бироқ, бизнинг ҳам, отахоннинг ҳам вақти зиқ эканини ҳисобга олиб, у кишидан дуо сўраб қўзғалдик.

-Омин, олингу олдирманг. Парвардигор сизларга ҳам менинг ёшимни берсин. Юртимиз тинч, элимиз омон бўлсин.

**Рустам ЖАББОРОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

# МИЖОЗЛАР ЭҲТИЁЖИНИ КЎЗЛАБ

**_Бугунги кунда барча соҳаларда бўлгани каби қишлоқ хўжалиги тизимида ҳам иқтисодий ислоҳотлар тобора чуқурлашиб бормоқда. Бунинг натижасида қишлоқда ҳақиқий ер эгалари ҳисобланган фермерлар сони ҳам кун сайин кўпаймоқда. Уларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, эркин ва самарали фаолият кўрсатишлари учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратиб бериш айни вақтда энг долзарб вазифалардан саналади._**

Чунки мамлакатимиз қишлоқ хўжалигининг истиқболи баайни фермерлар қўлида десак, янглишмаймиз. Келажакда босқичма-босқич ялпи экин майдонлари уларнинг қўлига ўтиши ҳам шак-шубҳасиздир. Модомики, қишлоқда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар жараёни мана шундан далолат бермоқда экан, бу ҳолат хизмат кўрсатувчи ва таъминловчи корхоналар зиммасидаги масъулиятни ҳам орттириб бориши табиийдир. Энди бир ҳақиқатни тан олишимиз керак: мижозларимиз сони кўпаяпти. Уларнинг аксарияти фермерлар. Бу ҳолат биздан фаолиятимизни доимо такомиллаштириб боришни ва хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилашни тақозо этмоқда. Масалага мана шу нуқтаи назар билан қарайдиган бўлсак, Самарқанд республикамиздаги фермерлик ҳаракати кенг қулоч ёйган вилоятлардан ҳисобланади. Айни вақтда ер эгаларининг сони 8345 тага етган. Улар ихтиёрида жами 99 минг 36 гектар экин майдонлари мавжуд бўлиб, бу кўрсаткич ҳар бир фермерга таққослаганда қарийб 12 гектардан тўғри келади. Вилоят ҳокимлигининг доимий амалий ёрдами ҳамда хизмат кўрсатувчи ва таъминловчи корхоналарнинг астойдил қўллаб-қувватлашлари туфайли фермерларимиз фаолияти ҳар жиҳатдан такомиллашиб бормоқда. Ўтган йили улар учун айниқса муваффақиятли бўлди. Вилоятимиз фермерлари давлатга ғалла сотиш режасини 104,5, пахта тайёрлаш режасини эса 102 фоизга адо этдилар. Улар эришган қувончли натижаларда ёқилғи-мойлаш маҳсулотлари билан таъминлашга ихтисослашган бизнинг корхона ишчи-хизматчиларининг ҳам муносиб ҳиссалари борлигидан қувонамиз. Боиси, йил давомида фермерларга амалда ўрнатилган меъёрлар асосида узлуксиз равишда зарур бўлган барча ёқилғи турлари ҳеч қандай узилишларсиз етказиб берилди. Ғалла ўриш ва пахта йиғим-терими мавсумларида эса таъминот бевосита дала бошида йўлга қўйилди. Умуман, ўтган даврда фермерларимизга 580 тонна автобензин ва 6131 тонна дизел ёқилғиси етказиб берилди. Бу борадаги хизмат сифатини яхшилаш учун барча чораларни кўрмоқдамиз. Ўрни келганда шуни ҳам таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Қишлоқ хўжалик корхоналарини фермер хўжаликларига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ҳамда ушбу ҳужжат ижросини таъминлаш бўйича "Ўзнефтмаҳсулот" акционерлик компанияси раисининг ўтган йил 5 январда чиқарган 1-сонли буйруғи ижроси ҳам корхонамиз томонидан тўлиқ ижро этилмоқда. Ҳукуматимизнинг ушбу қарорига асосан ўтган даврда Жомбой, Каттақўрғон ва Нуробод туманларида тугатилиб, фермер хўжаликларига айлантирилган жами 5 та хўжаликларнинг ёқилғи қуйиш шохобчалари корхонамиз тасарруфига қабул қилиб олинди. Тузилган тадбирларга кўра тарқатилган хўжаликларнинг нефт омборларининг техник ва метрологик ҳолатлари текшириб чиқилиб, тегишли далолатномалар тузилди. Янги ташкил этилган АЁҚШларни қайта қуриш ва таъминлаш ишларига 50 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланиб, улар энг замонавий ёқилғи қуйиш шохобчаларига айлантирилди. Бундан ташқари таъминотни яхшилаш ва қулайлик яратиш мақсадида айнан фермерлерга вилоят бўйича яна қўшимча 8 та АЁҚШлар орқали ҳам ёқилғи тақсимоти йўлга қўйилган. Ушбу АЁҚШларнинг қулайлик жиҳатлари шундаки, улар хусусий шохобчалардан фарқ қилмайди. Кечаси-ю кундузи иш жадвали йўлга қўйилган. Таъминотчилар ҳам малакали мутахассислардан иборат. Уларнинг 14 нафари ўтган даврда "Ўзнефтмаҳсулот" акционерлик компаниясининг бевосита раҳбарлигида Тошкент шаҳрида очилган "ТАСИС" ўқув марказида ўз билим ва тажрибаларини ошириб, тегишли гувоҳнома олиб қайтдилар.

ҚАРОР ВА ИЖРО

Шу кунларда жорий йил учун ҳам вилоятимиздаги барча фермерлар билан янгитдан шартномалар тузиб, ўз вақтида ёқилғи-мойлаш маҳсулотларини етказиб бермоқдамиз.

**Хуршид НУРУЛЛАЕВ,**
**"Самарқанднефтмахсулот" шўъба-унитар корхонаси раҳбари.**

# "ТАХТАКЎПИР" ЧОРА ИЗЛАР...

(Боши 1-бетда)

Хуллас, шу йил якунига кўра "Тахтакўпир" барча тармоқдан фойда олди, меҳнат унумдорлиги, ишловчиларнинг манфаатдорлиги ортди. Ишонч кучайиб, ҳар томонга тарикдек сочилиб кетаётган аъзолар қайтиб келишди.

1996 йили Оғитай Одиловнинг саъй-ҳаракатлари билан хўжалик ширкатга айлантирилгач, ишлар янада юришиб кетди. 1997 йилдан эътиборан акциядорларга 100 миллион сўмгача, яъни бир сўмига 3 сўмдан дивиденд бериб келинаяпти. Ҳар йили 30 нафар кам таъминланган оилаларга моддий кўмаклар изчил берила бошланди. Хўжаликда яна бир ибратли иш бор: кўп болали оилалар фарзандларидан бирига ширкат хўжалиги ҳисобидан иморат қурилиб, никоҳ тўйи ҳам ўтказиб берилади. 1992 йилдан бери шундай оилаларга 54 та уй-жой қуриб берилди.

Аҳил жамоа сурункасига икки йил давом этган сув танқчиллиги вазиятида ҳам довдираб қолмади. "Қаловини топса, қор ёнади" қабилида иш юритиб, ўзларида бор имкониятлардан самарали фойдалана билдилар. 2002 йили ғўза атиги бир марта суғорилган бўлишига қарамасдан 1.232 тонна пахта ҳосили олиниб, режа 141 фоизга бажарилди.

-Бундай натижага эришишимизнинг биринчи омили – ширкат аъзоларининг иш кўзини билиб меҳнат қилиши бўлса, иккинчидан, далаларга азот, маҳаллий ўғит талаб даражасида берилиб, ернинг нами сақлаб қолинди, - дейди О.Одилов. – Лекин сув танқислиги ўзининг салбий таъсирини ўтказди. Одамларимизни иш билан таъминлашимиз, оиласини боқишимиз керак. Шунинг учун сувга чидамли кунгабоқар экишга киришдик. 2001 йили "Платтас" қўшма корхонаси кўмагида мини-завод қуриб олдик. Америка технологияси асосида ишловчи корхона соатига 15 тоннагача кунгабоқарни қайта ишлаш қувватига эга. 2001 йили 10 тонна кунгабоқар мойини олдик. 2002 йилда эса 200 тонна хом ашё жамғардик. 110 гектарга кунгабоқар эккан эдик, ҳосили ёмон бўлмади. Насиб қилса, 50 тонна ёғ оламиз. Бу ҳам халқимизга қўшимча даромад. Шунингдек, 20 киши ишловчи мини ғишт заводимиз мунтазам ишлаб турибди. Беш турда маданий-маиший хизмат кўрсатадиган ҳамда деҳқон бозорини ўз ичига олувчи марказий гузар фойдаланишга топширилди.

Ҳа, "тахтакўпир"ликлар учун ўтган йил ҳам осон кечгани йўқ. Сув 28 май куни етиб келди. Албатта, экин-тикин ишлари, айниқса шоли экиш ҳаддан зиёд кечикди. Аммо, деҳқонлар оқар сувни соғиниб қолишган экан. Улар "Куаниш жарма" каналининг лиммо-лим оқа бошлаган кунидан эътиборан далага кўчиб чиқишди. Шу сабабли 1800 гектарга, чунончи, 550 гектарга пахта, 807 гектарга шоли, 110 гектарга кунгабоқар ва бошқа экинларни жуда қисқа муддатларда экиб бўлишди. Дала меҳнаткашларга иш ҳақларини ой сайин бериб борилиши таъминланди. Бу борада ҳам ширкат хўжалиги раҳбари Оғитай Одиловнинг саъй-ҳаракатлари натижаси ўларок хўжалик марказида ишга туширилган "Адолат" хусусий-тижорат банки муҳим аҳамият касб этди.

"Тахтакўпир"лик шоликорлар йиллик шартномавий режани Қорақалпоғистонда биринчи бўлиб бажаришди. Қорақалпоғистон Республикаси бўйича давлатга топширилган 33.797 тонна шолининг салмоқли қисми "Тахтакўпир"ликлар ҳиссасига тўғри келади. Улар келаси йил учун етарли миқдорда сара уруғлик ҳам жамғариб қўйишди.

Шоличилик соҳасида Бауржон Есепбаев бош пудратчи бўлган жамоа 200 гектарга яхши ният билан барака уруғи сепиб, ҳосилдорликни режадагидан 7 центнерга кўпайтиришга эришди. Абдухолиқ Оспанов, Азад Ангсатбоев, Конкелди Иноятовлар бош пудратчи бўлган жамоалар режадан ортиқ хом ашё топширгани учун оилалари ҳисобига икки тоннагача шоли олишди.

Хўжалик пахтакорлари кейинги йилларда бирор марта ҳам режани бажараолмасдан уялиб қолмадилар. 2002 йили оилавий пудратчилардан Дариха Колмуханова, Жумахон Айитмуродовалар ҳар бир гектардан Тахтакўпирнинг бўз ери шароитида 27 центнергача ҳосил кўтаришди. Қорасой Будиков, Пирниёз Султонов, Олламурод Жумамуродов каби пудратчиларнинг ҳар бири 40 гектар ерда пахта етиштиришиб, гектарига 19-22 центнердан ошириб ҳосил олишди.

Мамлакатимизнинг энг шимолий минтақасида жойлашган бу хўжаликда 45 гектарни эгаллаган боғ-роғларнинг ривожини, ҳосилдорлигини кўрган кўз қувонади.

-Сархил мевалар берувчи олма кўчатларининг олиб келтирилишида ҳам Оғитай оға Одилов бош-қош бўлдилар, - дейди боғдорчилик бўйича бош пудратчи Есгали Увайдаев. – Шунинг учун ҳам туман марказидаги деҳқон бозорида бизнинг боғ мевалари ўта харидоргир. Ўзимизнинг деҳқон бозоримизда 27 тонна олма сотилди. Яна шунчасини баҳорга сақлаб қўйибмиз.

Мураккаб об-ҳаво шароитида ҳам боғдорчилик йилига бир неча юз минглаб сўм даромад келтираяпти.

Хўжалик чорвачилик комплексида парвариш қилинаётган 766 бош қорамоллар ҳам юқори семизликда. Бунинг асосий сабаби етарли тўйимли озуқа жамғариб қўйилганлиги ҳамда ҳар куни молларга рацион асосида берилаётганлигидир. Шухон Примов етакчилигидаги чорвадорлар 155 бош сигирдан серқаймоқ сут соғиб, шартномага биноан ташкилотлар, соғлиқни сақлаш муассасаларига ҳамда хўжалик аъзоларининг фарзандлари тарбияланаётган 140 ўринли боқчага етказиб беришмоқда.

"Тахтакўпир" ширкат хўжалигига ташриф буюрган киши Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати Оғитай Одилов бошчилигидаги аҳил жамоа бир жону бир тан бўлиб астойдил меҳнат қилаётганининг гувоҳи бўлади.

-Ўзим отадан бир ёшда етим қолганман. Шу боис доимо одамлар орасида бўлишга интиламан, - дейди Оғитай оға. - Оддий, "сув келса симириб, тош келса кемиришга" қодир фидойи инсонлар билан ҳамқадам, ҳамнафасликда яшаб, асло кам бўлмаяпман. Буни турмуш ўртоғим Ойман, эл-юрт корига яраб қолган саккиз нафар фарзандларимиз ҳам дил-дилдан ҳис қилишади. Бир-биридан ширин невараларимнинг ҳам униб-ўсишларини тилайман.

Ниятингиз йўлдошингиз бўлсин, Оғитай оға!

**Абдураҳмон ИСКАНДАРОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**



СУРАТДА: "Адолат" хусусий-тижорат банки оператори Бауржон Жубантоев.

**Оллаберган ЖУМАНИЁЗОВ олган сурат.**

# ЕТТИ ИҚЛИМДАН БИР ШИНГИЛ

## ВАШИНГТОН ЎЗ ФИКРИДА ҚОЛМОҚДА

**_АҚШ президенти Жорж Буш қуролсизланиш учун Саддам Ҳусайнда имконият борлигини айтиб, огоҳлантирган._**



Айни вақтда Вашингтон Ироқда оммавий қирғин қуроллари борлиги ҳақидаги ўз фикрида турибди. Гарчи, инспекторлар Ироқдан бирор бир далил топа олмаётган эсалар-да. Ҳозир эса АҚШ ҳукумати Форс кўрфазига ўзининг махсус қўшинларини жойлаштираётган бўлиб, бугун уларнинг сони 60 мингдан ортиқроқ бўлса, феврал ойи охирига бориб 150 мингга етиши кутилмоқда. Кўрфазда бу хил қўшин жойлаштиришлар қайсидир маънода урушнинг бўлишидан далолат беради.

Европа Иттифоқи инспекторларга етарли муддат берилишини айтган бўлса, БМТ Бош котиби Кофи Аннан можарони тинчлик йўли билан ҳал этишга имконият борлигини билдирган.

## ПХЕНЬЯН МУАММОСИ МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

**_1993 йил Пхеньян ядро қуролини тарқатмаслик шартномасидан чиққанида дунё ҳамжамияти ташвишга тушган эди. Бугун ҳам шу ҳолат такрорланмоқда._**



Москвага келган атом энергетикаси бўйича халқаро агентлик (МАГАТЭ) раҳбари Ал-Барадейнинг ҳам бош мақсади Россия ҳукумати билан Шимолий Корея масаласини муҳокама этиш бўлди. Яқинда Ким Чен Ир маъмурияти ўзининг ядро дастурини шакллантириш ва яна ядро қуролини тарқатмаслик шартномасидан чиқишини эълон қилганидан сўнг, бугун Осиёда ҳам ўзгача бир вазият юзага келди. Ал-Барадей кеча Россия ташқи ишлар ва атом энергетикаси вазирлари Игор Иванов ва Александр Румянцевлар билан ушбу муаммо бўйича музокаралар олиб борди. Шунингдек, ташриф чоғида Ироқ масаласига ҳам эътибор қаратилди.

## МАНЧЕСТЕРДА АНТИТЕРРОР ОПЕРАЦИЯСИ

**_Манчестерда ўтказилган махсус антитеррор операция вақтида бир полициячи ҳалок бўлиб, 4 нафари жароҳат олди. Ўз хизмат бурчини бажараётиб, ҳалок бўлган Британия полициячиси 40 ёшлар атрофида бўлиб, жароҳатланганларнинг ҳам яна бирининг аҳволи оғир ҳолатда._**



Операция вақтида келиб чиқиши шимолий африкалик уч киши ҳибсга олинган. Буюк Британия бош вазири Тони Блэр ушбу операцияга муносабат билдириб, унда қатнашган полициячиларнинг ҳаракатини юксак баҳолади, дея хабар беради "Рейтер" агентлиги.

## "ҲАМАС"ДА "КАССАМ" РАКЕТАЛАРИ

**_Яқин Шарқда кенг миқёсли ҳаракат қилаётган "ҲАМАС" ташкилоти яқинда катта миқдорда гранатомётлар ва "Кассам" ракеталари сотиб олганлигини маълум қилди._**



"Ассошиэйтед Пресс" агентлигига бу ҳақда хабар берган "ҲАМАС" вакили ушбу жанговар қуролларнинг миқдори ҳақида хабар бермаган. Ўтган якшанба куни "ҲАМАС" террорчилари Сдерот яҳудийлар аҳоли пунктига айнан мазкур "Кассам" ракетаси билан ҳужум қилганлар.

Ундан аввалроқ эса "ҲАМАС" раҳбари шайх Аҳмад Ёсин Ғазо секторида фаластинликлар томонидан ўтказилажак намойишларда Исроил аскарларининг ҳибсга олишга ҳаракат қилишларини билдирган. Мақсад айирбошлаш йўли билан исроилликлар қўлида ушлаб турилган фаластинликларни озод қилишдир.

## ЖИНОЯТЧИГА ОЛИЙ ЖАЗО

**_Индонезиянинг Ғарбий Ява оролида жойлашган Тангеранг шаҳар суди яширин тарзда "экстази" наркотик таблеткасини ишлаб чиқарувчи дунёдаги энг йирик марказлардан бирининг хўжайинини ўлим жазосига маҳкум этди._**



Келиб чиқиши индонезиялик бўлган, шунингдек, Голландия фуқаролигини олган Анг Ким Су 2002 йилнинг апрел ойида ўзининг 8 нафар ишчиси билан ҳибсга олинган эди. У 1999 йилнинг сентябридан 2002 йилнинг март ойига қадар Жакарта шаҳри яқинида яширин корхона тузиб, кунига 150 минг дона "экстази" таблеткаси ишлаб чиқарган. Унинг баҳоси эса "қора бозор"да 800 минг АҚШ долларига тенг. Бундай маҳсулотлар Хитой, Малайзия, Голландия ва АҚШ давлатларига сотилган.

## АФҒОНИСТОНДА ҚУРОЛ ОМБОРЛАРИ

**_АҚШнинг Афғонистондаги махсус кўрсатмалар бажарувчи бўлинмаси ҳарбий базаларнинг бири яқинида катта миқдордаги ракета омбори борлигини аниқладилар._**




Пактия вилоятининг Зарин Калай қишлоғи ёнидаги омборхонада калибри 107 миллиметрли 322 та ракета топилган. Ундан аввалроқ эса Жалолобод шаҳри яқинидан портловчи моддалар яширилган жой топилган эди. Айни вақтда Афғонистонда қолган "Толибон" ҳаракати ва "Ал-Қоида" ташкилотининг аъзоларини тугатиш амалиётларида 8000 нафар америкалик ҳарбий хизматчилар иштирок этишмоқда. Ёдга олсак, америкаликларнинг ўзларига ҳам бир неча марта ракета ҳужуми уюштирилган эди.

**"ИНТЕРНЕТ" тармоғидан олинди.**

# ЭЪТИБОР

(Боши 1-бетда)

Мана ўн икки йилдан бери ишчилар қўмитасининг раиси. У Ўзбекистон агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси аъзоси сифатида ҳам кўп хайрли ишларни амалга ошираяпти.

-Ширкатимизда иқтисодий ислоҳотлар тобора чуқурлашиб бораяпти, - дея сўз бошлади Эрмаков. – Қўйчиликда 83 та, йилқичиликда еттита, қорамолчилик ва деҳқончиликда олтита оилавий пудрат тузилган бўлиб, улар мулк эгаси сифатида фаолият кўрсатишаяпти.

Бундан ташқари, хўжалик касаба уюшма қўмитаси томонидан ширкатда ишлаётган ходимлар ва уларнинг болалари дам олиши учун ҳам шароитлар яратилмоқда. Ўтган йилнинг ўзида Навбаҳор туманидаги "Ўзбекистон" оромгоҳида эллик нафар бола дам олишди.

Хўжалик меҳнаткашларини ижтимоий ҳимоялашга ҳам алоҳида эътибор берилаётир. Кам таъминланган, ночор, боқувчисини йўқотган оилаларга хўжалик бошқаруви томонидан мунтазам ёрдам кўрсатиляпти. Икки йилдан буён иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларидан ўттиз бир кишига маълум миқдорда бепул дон бериб келинаяпти.

Хўжалик касаба уюшмаси ҳар бир ҳолатга кўз-қулоқ бўлиб туради. Зарарли ишларда хизмат қилаётган кишиларга сут маҳсулотлари беришни йўлга қўйган.

Аҳолини иш билан таъминлаш ҳам эътибордан четда қолган эмас. Янги иш ўринлари очиш мақсадида сувли ерларда қўшимча равишда деҳқончилик ишларига имкон яратилди. Натижада ўн уч киши иш билан таъминланди. Улар Фозилмон ва Мечит участкаларида нўхат, полиз ва сабзавот маҳсулотлари етиштиришмоқда.

Бу йил ҳам янги иш ўринлари очмоқчимиз, - дейди Эрмаков. – Ҳайдаркўлда учта балиқчилик фермер хўжалиги, Нурота тизма тоғларида ўрмон хўжалиги ташкил этиб, яна элликка яқин ёшларни ишга жойлаштирмоқчимиз.

...Маҳамад Эрмаковнинг эртанги куни бажарадиган ишлари жуда кўп. Хўжаликда ширкат ишчиларига кўрсатилаётган ғамхўрлиги туфайли қоракўлчилик, ғаллачиликда белгиланган режалар бажариляпти. Қаерда ишловчиларга ғамхўрлик бўлса, ана ўша ерда юрт обод, халқ бой бўлади.

**Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири**

# ТАШҚАРИДА ҚОР, ИЧКАРИДА БАҲОР...

**_Бозорларимиз, расталаридаги турфа хил мева чевалар, узум анжирлар, тарвузу қовунлар барча қатори хорижликларни ҳам лол қолдиради. Бари бободеҳқон меҳнати, ҳимматидан яралган._**



Соҳибкорларимиз ёз қатори қиш чилласида ҳам тинмайдилар. Буни каттаю кичик иссиқхоналарда бўлган киши яққол кўради. Деҳқон куну тун мана шу ерда меҳнат қилади. Эвазига кўнгилдагидек даромад қилсаку яхши, бироқ кўзлаган ҳосилини ололмаса, унинг кўнглига қор ёғди деяверинг...

Бу гал Янгийўл туманидаги "Жамол ота" фермер хўжалигининг соҳиби Адҳамхўжа Жамоловни тушкун кайфиятда учратдик.

- Бу йилги қиш биз учун оғир келди, - дейди фермер. - Иккинчи ёққан қордан кейинги совуқ оқибатида 10 минг тупдан ошиқроқ гулга кирган помидор кўчатларини совуқ уриб кетди. Сабаби, иситиш трубалари совуққа дош беролмади. Нобуд бўлган кўчатлар ўрнини тўлдириш учун 1 ярим миллион сўмлик уруғ сотиб олдик. Иситиш тармоқларини ҳам тезроқ таъмирлашга ҳаракат қилмасак, ким билади яна қанча қор ёғаркин?..

ЗАҲМАТКАШ ОДАМЛАР

Қарангки, табиат қишда ҳам деҳқонни синовдан ўтказаяпти,- дейди фермер. - Кўзни "чирт" юмиб, қўл силтаб кетай десанг орият йўл қўймайди. Бу ёқда иссиқхона ишчилари кўз тикиб турибди. Уларнинг ҳам меҳнати зое кетмаслиги керак.

Деҳқоннинг куюнганича бор. Совуқда ишлаш ҳаммасидан ҳам қийин. Устига – устак қилган меҳнатинг натижаси бўлмаса бундан ёмони йўқ.

Ўн йилдан бери фермерликда тажриба орттирган Адҳамхўжанинг шу жойда тадбиркорлиги, ишни ҳар томонлама ўйлаб амалга ошириши қўл келди. Синов тариқасида 18 сотих ерга бодринг экиб кўрди. Табиат келтирган зарар шу маҳсулот ҳисобидан қопланди. Шунингдек, фермер хўжалигининг 40 дан ортиқ ишчилари ҳам фойда кўришди. Бугун бир гектардаги помидор ҳосили ўз харидорларига етиб бормоқда. Бундан ташқари тиниб-тинчимас фермер ўтган йили 20 гектарлик пайкалга пахта, 17 гектар ерга эса картошка экиб, бу экинлардан ҳам юқори ҳосил кўтарди.

Хўжаликка қарашли қорамолчилик фермасида ҳам ўсиш бор. Насиб этса йил охирига бориб 200 бош қорамол 250 бошга кўпаяди.

Кўриниб турибдики, фермер хўжалигининг оладиган даромадига яраша қиладиган меҳнати ҳам етарли. Айниқса қиш чилласидаги заҳмат ишчилардан уқув ва тажрибани талаб қилади...

Қиш кунлари иссиқхонага кирсангиз ташқарига қайтиб чиққингиз келмайди. Олтиндек товланаётган лимонларни, қип-қизил бўлиб пишиб ётган помидор ва етилган бодрингларни кўриб, фикримизга қўшиласиз. Деҳқон яратган мўъжизани кўриб руҳланиб кетасиз ва беихтиёр шундай дейсиз: - Ғайратингизга балли!

**Марям АҲМЕДОВА.**
**СУРАТДА: Адҳамхўжа Жамолов.**

# ФЕРМЕРГА НИМА ТЎСИҚ БЎЛАЯПТИ?

**_Бугун фермер бўлишни истаган кишига етарлича имконият бор. Фермер хўжаликларини ташкил этиш, уларга турли хизматлар кўрсатиш, кредит маблағларига бўлган талабларини қондириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларини суғурталаш ва бошқа бир қатор масалаларга эътибор кучайтирилаётгани фикримизни исботлайди._**

Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларида фермер хўжаликлари ташкил этишдаги ютуқ ва камчиликлар қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича республика комиссиясининг навбатдаги йиғилишида атрофлича муҳокама қилинди.

Айтиб ўтиш жоизки, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятлари фермер хўжаликлари ишини йўлга қўйишда 2002 йили муайян натижаларга эришишди. Сурхондарё вилоятида 2002 йилнинг 1 октябр ҳолатига кўра 3933 та, Самарқанд вилоятида эса 8345 та фермер хўжаликлари ташкил этилган бўлиб, уларга мос равишда 76,2 минг ва 99,6 минг гектар ер майдони ижарага берилган. 2002 йилда Самарқанд вилоятида фермер хўжаликлари томонидан 131,6 минг, Сурхондарё вилоятида эса 115,9 минг тонна ғалла етиштирилган, ҳосилдорлик мос равишда 40,0 ва 46,7 центнерни ташкил этгани ҳолда 2001 йилга нисбатан 16,8 ва 11,6 центнерга кўпайган. Пахта етиштириш бўйича шартнома мажбуриятини Самарқанддаги 4534 та фермер хўжалигидан 3805 таси, Сурхондарё вилоятида эса 1395 тадан 635 таси бажарганлиги аниқланди.

Мазкур вилоятларнинг фермер хўжаликларидаги аҳвол ўрганилганда, бир қатор камчиликларга ҳам йўл қўйилаётгани маълум бўлди. Айрим туман ҳокимликлари томонидан фермер хўжалиги ташкил этиш юзасидан берилган аризаларни белгиланган муддатларда кўриб чиқиш, уларни рўйхатга олиш, ўз вақтида жавоб бериш ишлари пайсалга солинганлиги аниқланди.

МУАММО

Мисолларга мурожаат қилсак, Самарқанд вилояти Булунғур туманидаги Достон Норбоев номли фермер хўжалигини ташкил этиш тўғрисидаги ариза бир йилу тўққиз ойдан кейин, Иштихон туманидаги "Зафаробод" фермер хўжалиги 2 йилдан сўнг, Сурхондарё вилояти Музрабод туманидаги "Юнусхон МИК" фермер хўжалиги 1 йилдан сўнг, "Холиёр" фермер хўжалиги бўйича эса 6 ойдан сўнг туман ҳокимлиги томонидан кўриб чиқилиб, қарор қабул қилинган.

Пахта ва ғалла етиштириш билан шуғулланувчи фермер хўжаликларига амалдаги тартибга асосан камида 10 гектардан ер ажратилиши керак бўлгани ҳолда, ундан кам миқдорда ер майдони берилган.

Сурхондарё вилояти Шўрчи туманидаги "Раҳматуллабек" фермер хўжалигига 7 гектар, Самарқанд вилояти Нарпай туманидаги "Абдулло Вали" фермер хўжалигига 8 гектар ер майдони пахта ва ғалла етиштиришга ихтисослашуви шарти билан берилган.

Жойларда фермер хўжаликлари ташкил этиш, улар фаолиятини мониторинг қилиш ишлари тўғри йўлга қўйилмаганлиги оқибатида статистика, солиқ, ер ресурслари бошқармалари, ҳокимликнинг рўйхатга олиш бўлимлари томонидан фермер хўжаликлари сони, уларга ажратилган ер майдони тўғрисида аниқ маълумотлар кўрсатилмаган.

Жумладан, 2002 йилнинг 1 октябр ҳолатига кўра Сурхондарё вилояти статистика бошқармасининг маълумотида 3933 , солиқ бошқармаси маълумотида эса 4011 та фермер хўжалиги фаолият кўрсатаётганлиги маълум қилинган.

Ташкил этилган фермер хўжаликлари билан тайёрловчи, хизмат кўрсатувчи ва қайта ишловчи корхоналар ўртасида шартнома тузиш ишлари ҳам етарли даражада йўлга қўйилмаган, тузилаётган шартнома шартлари эса кўп ҳолларда бажарилмай қолмоқда.

2001 йили пахта етиштириш шартномаларини бажарган фермер хўжаликларига пахта ёғи, шрот ва шелуха маҳсулотлари тўлиғича етказиб берилмаган.

Янгидан ташкил этилган фермер хўжаликларига бошланғич сармоя бериш ишлари ҳам талаб даражасида эмас. Тижорат банклари ва тегишли жамғармалар томонидан фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш мақсадида имтиёзли кредитлар эса ғоят кам бериляпти. Сурхондарё вилоятида 2002 йилнинг 1 октябригача ташкил этилган 380 та фермер хўжалигининг 38 тасига, Жарқўрғон туманида 64 та фермер хўжалигидан бор-йўғи 2 тасига бошланғич сармоя, 1 тасига эса имтиёзли кредит берилган холос.

Самарқанд вилоятида ана шундай бошланғич сармоя 2002 йил 1 октябригача ташкил этилган 530 та фермер хўжалигининг атиги 78 тасига берилган. Ўрганилган ушбу икки вилоятда фермер хўжаликларини ташкил этиш билан боғлиқ бўлган жараёнлардаги бу каби камчиликлар вилоят ва туманлар комиссиялари томонидан ўз вақтида таҳлил этиб борилмаган.

Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларидаги соҳага масъул шахслар республика комиссияси мажлисида кўрсатиб ўтилган камчиликларни бартараф этишлари, келгусида бундай ҳолатлар такрорланмаслиги чораларини кўришлари зарур.

**Шавкат ОРТИҚОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

